RY PUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Ушбу сонда:

2 МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ: У КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН КЕЛТИРАДИ?

3 ҚОЗИ ҲАЙДАРБЕКНИНГ АЙБИ НИМА ЭДИ?

4 ОИЛА ҚЎРҒОНИ БУТЛИГИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 34
(341)
2003 йил
26 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Агар сўралаётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин.

Сўралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кун муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаби кўрсатилиши керак.

Махфий ахборот мулкдори эгаси ахборотни сўраётган шахсларни бу ахборотни олишнинг амалдаги чекловлари тўғрисида хабардор этиши шарт.

Ахборот берилиши қонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек, ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 10-МОДДА.

Istiqlol imkoniyatlari

ҲАР ЖАБҲАДА БУЮК ЎЗГАРИШ

Бутун халқимиз орзиқиб кутаётган қутлуғ сана — Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами тобора яқинлашиб келаётган мана шу кунларда одам беихтиёр истиқлолнинг юртимиз ва миллатимиз тақдиридаги беқиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида, муборак заминимизда кўҳна тарих учун ғоятда қисқа бир муддатда амалга оширилган оламшумул ишлар тўғрисида ўйлайди. Албатта, ўтган давр мобайнида халқимиз, Ватанимиз келажаги йўлида қилинган ишларнинг барчаси бир-биридан долзарб, бир-биридан муҳимлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун уларнинг қайси бири ҳақида фикр юритманг, барчасининг замирида ота-боболаримизнинг асрий армонлари акс этганини кўрасиз. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, истиқлол йилларида юз берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар халқимизнинг неча йиллик интилишлари, бугун реал ҳақиқатга айланиб бораётган ёруғ келажаги, аждодларимизнинг эркинлик ва озодлик ҳақидаги ширин орзуларини ўзида мужассам этгани билан азиз ва муқаддасдир.

Биргина миллий қадриятларимизнинг тикланиб, дунёдаги энг қадимий халқ, энг қадимий миллатлардан бири сифатида ўзлигимизни, ўз илдизларимизни топиб бораётганимизни олайлик. Айнан ана шундай тикланиш жараёнлари туфайли тарихимизни, кимларнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканимизни чуқур англаб, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни тушуниб етмоқдамиз. Энг муҳими, юртдошларимизда ғурур-ифтихор туйғуси уйғонмоқда, улар "Мен — ўзбекман, буюк юрт фарзандиман, улуғ зотларнинг авлодиман!" дея бошини баланд кўтариб юрадиган бўлди. Ғурур-ифтихори, орияти бор инсон эса катта ишларга қодир бўлади.

Шу маънода, Президентимизнинг миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасидаги доимий эътибори, авваламбор, ватандошларимиз қалбида бунёдкорлик туйғусини уйғотиш, уларнинг янги жамият барпо этишдаги иштирокини янада кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Юрагида маънавият нури бўлган инсон ҳаётда янгилик сари интилади, юксак марралар сари тинимсиз талпиниб яшайди. Бугунги кунда мамлакатимизда нефть ва ғалла мустақиллигига эришилгани, бу йил сара дон етиштириш бўйича мисли кўрилмаган натижага эришилгани бунёдкор халқимиз қалбидаги маънавий юксалишдан, унинг ўз ери, ўз юртига бўлган муҳаббатининг ортиб, ҳақиқий эгалик ҳисси билан яшаётганидан далолатдир.

Мустақиллик туфайли юртимизни бутун дунё таниди ва тан олди. Бугун халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўз муносиб ўрни бор. Биз кейинги йиллар мобайнида бу ҳақиқатга неча бор ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, халқаро терроризмга қарши курашда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда кураш олиб бораётгани, бу борада энг буюк давлатлар ҳам биз билан бамаслаҳат иш тутаётгани — Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборидан далолат.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу йўналишда қилинаётган ишларнинг натижаси ҳозирданоқ кўзга ташланаётгани барчани қувонтиради. Юртимиз ёшлари нуфузли халқаро мусобақаларда, фан олимпиадаларида, кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаб, давлатимизнинг обрўйига обрў қўшмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз саноати катта тарихий йўлни босиб ўтди. Илгари собиқ Иттифоқнинг хомашё базаси, аграр республика ҳисобланган диёримизда бугунги кунда "ЎзДЭУавто", "СамКочавто", "Шўртан газ-кимё", "Зарафшон-Ньюмонт", Кўқдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефть заводи каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари, қатор тўқимачилик корхоналари дунё талаблари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сафидан муносиб жой олди. Асака ва Самарқандда ишлаб чиқилган автомобиль ва автобуслар, турли юк машиналари хорижий бозорда ҳам харидоргир бўлиб боряпти.

Умуман, ўтган 12 йил давомида эришилган бундай ютуқ ва натижаларни кўплаб келтириш, уларнинг аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин истиқлол даврида қўлга киритилган энг катта муваффақиятимиз — бу юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни асраганимиз, шу асосда танлаган йўлимиздан босқичма-босқич олға интилиб бораётганимиз бўлди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги айрим мустақил давлатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, тинчлик-барқарорликсиз, ягона мақсад атрофида бирлашган халқнинг аҳиллигисиз қуруқ жозибали ғоялар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Бизнинг бахтимиз шундаки, бу ҳақиқатни истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ тўғри тушуниб, юртимизда тинчлик-тотувликни асраб, улуғ ғояларимизни амалга оширишга ҳаракат қилдик. Бунда мустақилликни асраш, мамлакатимиздаги тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш масаласини давлатимиз сиёсатининг энг устувор соҳаси деб билган ва шу мақсад йўлида барчани бирлаштириб, эзгу мақсад-муддаолар сари даъват этган Юртбошимизнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлди. Мустақилликнинг аҳамияти, ислоҳотларимизнинг муваффақияти ҳақида гап кетганда, бу ҳақиқатни барча тан олади.

12 рақами халқимизда азал-азалдан хосиятли ҳисобланади. Чунки табиатдаги энг буюк ҳодисалар ҳисобланмиш Ер, Осмон ва Қуёш ҳаракати, улардаги ўзгаришлар ўн иккита хусусият, ўн иккита қонуният билан боғлиқ. Масалан, самода ўн иккита бурж бор. Қуёш ҳар бир буржни бирма-бир айланиб чиқади. Бунинг натижасида Ерда ўн икки ой алмашади, табиатнинг ҳаракат хусусиятлари ўзгаради. Шу маънода 12 ёшга тўлган Ўзбекистон мустақиллиги ҳам янги ҳаракат босқичига, юксалиш босқичига қадам қўймоқда, дейиш мумкин. Умид қиламизки, бу босқичдаги ютуқларимиз янада улкан бўлади.

Бекпўлат ҚАРШИБОЕВ

31 — август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Халқ — қаҳрамон, халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз

Халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритганига 12 йил тўлди. Таъкидлаш жоизки, мустақилликка осонлик билан эришилмади. Озодлик йўлида беҳисоб қурбонликлар берилди. Халқнинг асл фарзандлари бўлган фидойи инсонлар Ватан озодлиги дея ўз ҳаётларини қурбон қилдилар, зулм ва адолатсизликка қарши курашдилар. Улар орасида зиёлилар, ишчи-хизматчилар, деҳқон ва ҳунармандлар — турли тоифадаги оддий одамлар бор эди. Улар ҳаётларини озодлик учун бағишлаб шаҳид кетдилар. Ноҳақ отилган, сургун қилинган, қамоққа ташланган, турфа ҳақоратту хўрликларга дучор этилганларнинг шаънини тиклаш, хотирасини эъзозлаш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида қатоғон қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтмоқда. Пойтахтнинг Бўзсув ёқасида "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳи барпо этилди. Бу ерда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи фаолият кўрсатмоқда. Бу каби эзгу ишлар ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримизнинг тарихий хотирасини эъзозлашга қаратилган. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ қаҳрамон, халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз.

АРМОН

Ҳаёт инсонга бир март бериладиган инъом дейишади. Қани энди ҳамма ана шу қисқа умрни армонсиз яшаб ўтса... Лекин менга бахтли яшаш насиб этмаган. Мен 1937 йилда туғилганман. Энди 4 ойлик бўлганимда, отам Омонулла Нусратуллаевни НКВД ходимлари олиб кетишган экан. Шушу отам дийдорини кўрмай, ширин сўзларига тўймай, етим ўсганман. Ҳали-ҳануз биронбир болакай "дада" деган сўзни айтса, жоним-жаҳонимга ўт туташади.

Онам — Тошкентнинг Арпапоясида яшаган Зиёхон эшон қизи — Тамбат Зиёхонова биргина қизни, яъни мени бағрига босганча бева қолган. Мен онам ишлаган Муқимий номидаги театр жамоаси орасида катта бўлганман. Шу-шу отамдан дарак бўлмаган...

Онам отамнинг изини излай-излай топмаган. Кейинчалик билсам, онам отамни излаб берган аризалари жавобсиз қолаверган экан.

Отам 1937 йил сентябрида ҳибсга олинган. Маълум бўлишича, отам бухоролик бўлиб, 1922 йилда Бухоро республикасидан бир гуруҳ ёшлар қаторида Германияга ўқишга юборилган. Етти йил мобайнида Германияда илм олиб, муҳандис бўлиб қайтганлар. Сўнгра Тошкент темир йўл транспорти институтида ўқитувчи бўлиб ишлаб юрган вақтларида ҳисбга олиниб, отиб юборилган экан.

Менинг отам каби озмунча ёшлар қирилиб кетдимикан? Мен каби кўнгли ярим, бағри кемтик етимлар ҳисобига етиб бўлармикан?..

Онамнинг ҳикоя қилишларича, отам мен катта бўлганимда Францияга юбориб, ўқитишни орзу қилган экан. Лекин отамнинг орзулари кўксида армон бўлиб кетди. Энг ёмони, отам қамалгач, унинг ортида қолганлар, яъни бизнинг бошимизга не-не бало-қазолар ёғилди.

Мен шўро замонида "халқ душмани"нинг фарзанди сифатида олий маълумот ололмадим. Ҳаммадан ҳам алам қиладигани шуки, отамни ҳибсга олишаётган пайт уйимизда тинтув ўтказиб, отамга тегишли барча ёзув ва суратларни ҳам олиб кетишган. Отамдан ҳатто битта сурат ҳам қолмаган...

Шу йўсин бутун умрим афсус-надомат, армонда ўтди.

Фақат истиқлолга эришгач, елкамизга офтоб тегди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мустабид тузум даврида қатағон гирдобига тортилган юртдошларимиз хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатилиши бизнинг куйган дилимизга малҳам бўлди.

Илоҳим мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Сурайё ОМОНУЛЛАЕВА

"Инсон — бу сўз мағрур садо беради".

Шўро замонида йўқсиллар адиби Максим Горькийнинг бу сўзлари жарангламаган кечалар, ёзилмаган газета ва журнал сонлари камдан-кам бўлган. Аммо биз ўшанда миллионлаб инсонларнинг бепоён советлар юртини қуршаган ҳисобсиз лагер ва қамоқхоналарда азоб-уқубат чекаётгани, НКВД ходимларининг эса яна қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар бошига дўзах азобини келтириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай "ишлаётган"ларини хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

АЛПҚОМАТ ЙИГИТ ЭДИ...

Мана, бир неча йилдирки, махфий архивларда ишлар эканмиз, шўро тузум олдида заррача гуноҳи бўлмаган ўн минглаб инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари оёқости қилингани, уларнинг "аксилинқилобчи", "миллатчи", "саботажчи" экани ҳақидаги туҳматдан иборат сўроқномаларга уриш, калтаклаш, таҳқирлаш, музхоналарга ташлаш йўли билан қўл қўйдириб олинганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустабид тузум жазо идораси ёрдами билан халқимиз бошига доимо бало тошларини ёғдириб турганки, бундай давлат инсоният тарихида бошқа бўлмаган.

Камина бугун ҳурматли газетхонлар эътиборига қатағон даврининг минглаб қурбонларидан бири, журналист Носир Саидий ва унинг фожиали тақдири ҳақидаги ҳақиқатни ҳавола этмоқчиман.

Носир Саидий 1901 йили Хўжанд шаҳрининг Исфара туманида дунёга келган.

(Давоми учинчи бетда)

ЕЛКАМИЗГА ОФТОБ ТЕГДИ

Отам оддий деҳқон бўлса ҳам, хат-саводли, иймон-эътиқодли инсон эди. Тадбиркор, серғайрат киши бўлгани учун бояқишни "қулоқ", деб минг қийноқларга солишгач, Самарқанддан Бўкага жон сақлаш учун кўчиб келдик.

Лекин ўша қатағон йилларида хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиришини кейинроқ билдик. Томорқамизга фақат пахта эктиришарди. Бошқа экинга рухсат беришмасди. Буғдой эккан йилимиз донни ҳам тортиб олишди. Ўшанда қопдаги донни аравага ортаркан, отамнинг йиғлагани ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Улар кетишгач, қалам шундай ёзғирган эди: — Елкамизга офтоб тегадиган кунлар ҳам бормикин?!.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида туманимиздаги якка-ю ягона "Ўрта қўрғон" мачитини ҳам таг-туги билан бузиб ташлашди, "Юқори тошлоқ" маҳалласидаги кўҳна иморат отхонага айлантирилди.

Ўша йиллар — ана шундай хўрлик билан ота-онам дунёдан ўтиб кетишди.

Ўшанда мени хат-саводли бўлганим учун маданият соҳасига ишга олишди. Бироқ бир куни махсус идорадан бир киса келиб, айтишларича, сен намоз ўқирмишсан, шу тўғрими? — деб сўроқ қилди.

— Намоз ўқишим тўғри, — дедим мен қўрқа-пўса.

Шу куннинг ўзидаёқ ишдан бўшатиб юборишди. Бир неча кун авахтада ётдим.

Оилам, рўзғорим бор, тирикчиликни ўтказиш керак. Аммо ҳеч қаерга ишга олишмайди. Кейинчалик бир амаллаб ҳозирги Ўрта Чирчиқ томонидаги Туябўғиз сув омбори қурилишида ишга кирдим.

Қани энди хўрлик, таъқиб шу билан тугаса. Кунда, кунаро чақиришиб, кечаси сўроқ қилишади.

Ҳайит арафасида эса қамаб қўйишарди.

Ўша йиллари эркин ҳаракат қилган кишига кун йўқ эди. Пискентлик Саид ака деган саноатчи келиб, бизнинг қишлоғимизда сув билан ишлайдиган кичик пахта қабул қилиш заводини қурди. Унинг ишлари юришиб кетганини кўриб, бўхтон уюштиришди. Гўёки у Сталинни масхара қилиб, бўйини пакана деган эмиш. Ана шу тайинсиз айблов туфайли Саид ака ҳибсга олиниб, бедарак кетди. Шу билан завод ҳам тўхтаб қолди. Кейинчалик у қаровсизликдан вайронага айланиб, бузилиб кетди.

Ўзим гувоҳ бўлган бошқа бир мисол. Эндигина Тошкентда ўқиб, комсомолга ишга кирган Мурод исмли йигитни фақат эскича никоҳ ўқитгани учун ишдан бўшатиб юборишганди.

Мустабид тузум давридан бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Халқимиз ана шундай хўрлик, азоб-уқубатларни бошидан ўтказиб, истиқлолга етиб келди.

Истиқлол йилларида иймон-эътиқод қадр топди, эъзозланди. Биргина мисол: мустабид шўро замонида ҳаж сафарига боришни ҳатто тасаввур ҳам эта олмасдик. Бугун эса бу борада барча шарт-шароит яратилгани боис, минглаб юртдошларимиз ҳаж сафарига бориб келишмоқда.

Мен ҳам Президентимизнинг ана шундай ғамхўрлигидан фойдаланиб, ҳаж зиёратига бориб келдим, ота-бобомнинг армонлари ушалди, руҳлари шод бўлди.

Ёшим 90 дан ошиб, 100 га яқинлашиб қолди. Афсуски, ҳаётимнинг кўп қисми мустабид тузум даврига тўғри келди. Тақдир тақозоси билан турли бўҳтонлар билан қатлиом этилган она Ўзбекистоннинг азиз ва мўътабар, фидойи ўғлонларини кўпини танир, айримларидан сабоқ олган эдим. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан қатағон қурбонларининг хотирасига чексиз ҳурмат кўрсатилаётгани мен учун алоҳида маъно касб этади.

Аъзамҳожи АҲМЕДОВ,
Бўка тумани,
Олтиш қишлоғи,
меҳнат фахрийси

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ НОМИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҚИЛИНГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР

● *1991 йилнинг 6 февралида адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.*

● *1991 йилнинг 25 сентябрида Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдурауф Фитратга ўлимидан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.*

● *1994 йили озодлик йўлида жонини фидо этган улуғ ёзувчи Абдулла Қодирий (раҳматли)га мамлакатда биринчи бўлиб Ватаннинг юксак мукофоти — "Мустақиллик" ордени берилди.*

● *1994 йилнинг 6 декабрида Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Тошкентда ёзувчи номини олган маданият ва истироҳат боғида унинг ҳайкали очилди.*

● *1996 йил 19 июнда Бухорода Файзулла Хўжаев ҳайкали очилди.*

● *1996 йил 20 декабрда Абдурауф Фитрат таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Тошкентда тантанали йиғилиш ва илмий анжуман бўлиб ўтди.*

● *1999 йили улуғ шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (раҳматли)га Ватаннинг юксак мукофоти — "Мустақиллик" ордени берилди. Озодлик йўлида жонини фидо қилган миллатпарвар шоирга Андижонда ҳайкал ўрнатилди.*

● *1999 йилнинг 22 июлида "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинди ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузиш, қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш, шаҳид кетганларнинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий меросини кенг жамоатчиликка етказиш каби қатор хайрли вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, пойтахтнинг Бўзсув мавзесида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этишга киришилди.*

● *2000 йилнинг 28 январида Президент Фармонига кўра, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетига Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди, тарихий ҳужжатлар асосида унинг асосчилари — жадид зиёлилари, ташкил этилган санаси — 1918 йилнинг 12 майи, деб белгиланди.*

● *2000 йилнинг 12 майида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.*

● *2001 йил 1 майда "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида" Президент Фармони эълон қилинди.*

Мазкур Фармонга биноан қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31-август куни — Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгиланди.

● *2002 йилнинг 31 августида пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ҳудудида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.*

To`siq

АРЗОН "ҲАЙФСАН"

Гапни хиёл илгарироқдан бошласак, 1994 йили Олтинсой туман ҳокимининг 75-сонли қарорига асосан Абдумалик Қодиров чорва маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган "Шукрулло" фермер хўжалигини ташкил этди. Унга 5 гектарлик ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди. Фермер ҳам астойдил ишга киришди. Хўжаликдаги қорамоллар сонини 24 бошга, майда моллар сонини 29 бошга етказди. 5 гектарлик ер майдонининг 2 гектарига ғалла, яна шунчасига пахта, қолганига беда экиб, бу соҳадаги барча режаларни бажариб, юзи ёруғ бўлди. 2001 йилда фермер хўжалигига яна қўшимча 1,2 гектарлик узумзор ажратиб берилади.

Бир сўз билан айтганда, фермернинг ишлари шу тахлит яхши кетаётган эди. Бироқ кутилмаганда унинг олдида ғов пайдо бўлди. Аниқроғи, барчаси 2001 йилда Олтинсой туман деҳқон-фермер уюшмаси вакилиги директори А.Тошмировнинг фермер Абдумалик Қодиров билан ер майдонига нимани экиш юзасидан келиб чиққан тортишувдан бошланди. Очиғини айтадиган бўлсак, уюшма вакиллиги директори билан фермер ўртасидаги тиниқ сув лойқаланиб қолди...

Олти йилдан буён ўзига ажратилган 5 гектарлик майдонда деҳқончилик қилиб келган фермер А.Қодиров чорвачиликни ривожлантириш, унинг туёқ сонини ошириш ниятида ўзига ажратилган ер майдонига пахта, ғалла, беда етиштириб келарди. Аммо 2001 йилдан эса фермернинг ҳаловати бузилди. Унга «юқори»дан қанча майдонга нима экиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Табиийки, бундан норози бўлган фермер туман деҳқон-фермер уюшмасининг вакиллиги директори А.Тошмиров ҳузурига кирди.

— Ака, ўзингиз тушунасиз, чорванинг емиши, озуқа базаси бўлмаса, уни ривожлантириш мумкин эмас. Менга бу йилдан бошлаб 4 гектар майдонга пахта экасан, деган кўрсатма беришибди. Ўзи бор-йўғи 6 гектарлик ер майдоним бор. Унинг бир гектаридан ошиғи узумзор, бир гектари эса бедазор, қолганига пахта эксам, озуқани сотиб олишимга тўғри келади. Иложини топиб пахта экиладиган майдонни 2 гектар қилиб берсангиз, - дея у вазиятни тушунтирган бўлди.

— Қизиқ экансиз-ку, ука, — деди унга жавобан уюшма раҳбари. — Ҳали бизга сиз кўрсатма берадиган бўлиб қолдингизми?! Ерга нима экишни биз айтамиз. Сиздан эса уни бажариш талаб этилади.

— Ахир, сиз ҳам мени тушунсангиз-чи? Чорванинг озуқаси бўлмаса, қийналиб қоламан. Олти йилдан буён 2 гектар ерга пахта, яна шунчасига ғалла экардим. Бирданига бундай режалар менинг ишимга тўсиқ бўладику!

— Жуда бетга чопар экансан. Айтганни қил. Агар ишинг ортиқчалик қилаётган бўлса, чорасини кўрамиз, — дея тортишувга якун ясаган бўлди директор.

Ана шу тортишувдан сўнг директор ва фермер ўртасидан «оламушук ўтди». Фермер А.Қодиров ўз фаолиятидаги вазиятни таҳлил қилган ҳолда уюшма ва бошқармага 3 марта, туман ҳокимига бир неча бор ёзма равишда мурожаат қилди. "Ёзғувчи" фермернинг бу қилмишлари уюшма вакиллиги директорининг жаҳлини чиқарди, шекилли, "сен зўрми, мен зўрми" қабилида тўнини бутунлай тескари кийиб олди. Директор А.Тошмиров чорва моллари учун аниқ ер майдонини ҳисобга олмай, **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 5-моддаси талабларига риоя қилмаган ҳолда 5 гектарлик ер майдоннинг 4 гектарига пахта экиш режасини тузиб, туман режасига киритишни сўраб, ҳокимликка мурожаат қилди. Ва бу ҳақда ҳокимнинг қарорини чиқаришга эришди.

Абдумалик ака яна Олтинсой туман деҳқон-фермер уюшмасининг вакиллиги директори А.Тошмиров ҳузурига кирди:

— Хўш, хизмат? — дея уни қабул қилди директор.

— Мен сизга вазиятни тушунтирдим-ку! — деб ёрдам сўраб мурожаат қилди фермер.

— Сен қанақа одамсан, ўзи?! Мана, туман ҳокимининг қарори. 4 гектар ерга пахта экасан. Ё ҳокимнинг қарорини тан олмайсанми?

Директорнинг бундай муомаласидан буткул ҳафсаласи пир бўлган фермер тегишли бошқармаларга алоқа хати ёзди. Туман ҳокими номига ёзилган бир неча хатлардан сўнг ёзилган хатларнинг бир четида ҳокимнинг "2 гектарга пахта экилсин", дея имзо қўйган кўрсатмасини олиб яна уюшмага келди. Бу ерда унга яна "4 гектар ер майдонига пахта экасан", дея топшириқ беришди.

2001 йилда бошланган ўзаро тортишув шу йилга қадар давом этди. Жорий йилга келиб, фермер 2 гектарга пахта экиш рухсатини олди. Туман пахта заводи директори билан 2 гектарлик пахтазордан 6,3 тонна хомашё етказиб бериш учун ўзаро шартнома тузиш учун унинг ҳузурига кирди.

— Яхши, сиз ҳужжатларга қўл қўйиб кетаверинг. Биз барчасини расмийлаштириб, шартноманинг битта нусхасини сизга етказамиз, — деди завод директори А.Аҳмедов.

Бироқ орадан бир ҳафта ўтгач, фермер пахта заводидан келган шартномани қўлига олиб танишиб чиққач, ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Чунки ўзи тузган шартномадаги 6,3 тонна пахта хомашёси етиштириш сеҳрли қўллар билан 12,6 тонна қилиб кўрсатилибди. Бундан норози бўлган фермер яна пахта заводига йўл олди. Суриштириб билдики, шартномада рақамлар туман деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасининг бош ҳисобчиси томонидан ўзгартирилган экан. Фермер буларнинг барчаси директор А.Тошмировнинг кўрсатмаси билан бўлаётганини англади.

— Э, нимасини сўрайсиз ака, — дейди куюнганча фермер А.Қодиров, — 2001 йили 2 гектар ерга ғалла эккан эдим. Директор кўра-била туриб бошқармага 3 гектар ерга ғалла эккан, деб ҳисобот бериб юборган. Чорва озуқа билан ривож топади. Ана шу туфайли чорванинг бош сонини ошириш имкониятини сунъий равишда йўқотиб юборишаяпти. 1 гектарлик бедазор билан чорвачиликни ривожлантириш, унинг туёқ сонини ошириб бўладими? Шу ерни олганимга 8 йилдан ошди. Унга нима экишни, қай даражада ҳосил олишни ўзимга қўйиб берсин. Ахир, мен йил ўн икки ой шу ер ҳиди, тафти билан яшайман-ку?! Тонгда қуёш чиқишини шу далада кутиб, уни ётоғига ҳам ўзим кузатаман. Даламнинг ҳар бир қаричини яхши биламан. Аммо «буни экасан, бошқасини билмаймиз», қабилидаги кўрсатмалар ишимга фақат тўсиқ бўлаяпти, холос. Натижада эса ҳар йили чорва бош сонини сақлаб қолиш учун юз минг сўмлаб хашакни чўнтагимдан пул сарфлаб харид қилишга мажбур бўлмоқдаман.

Шу ўринда айтиш жоизки, фермер А.Қодиров бу масалалар юзасидан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Барча керакли ҳужжатлар билан адлия ходимларини таништирди. Ўтказилган текширувда фермернинг ҳақлиги ўз исботини топди. Шу асосда Сурхондарё вилоят деҳқон-фермерлар уюшмасига тақдимнома киритилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллигининг 2003 йил 13 майдаги 8/11 сонли буйруғи билан "Ўз фаолияти давомида йўл қўйилган хато ва камчиликлари учун деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси Олтинсой туман вакиллиги директори А.Тошмировга ҳайфсан берилсин" деган адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага жавоб ҳам келди.

Хуллас, шу тариқа эгаллаб турган лавозими тўғридан-тўғри фермер хўжаликлари манфаатини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган уюшма вакиллиги директорининг фермерга ўтказган тазйиқлари бир «ҳайфсан»га арзиди, холос. Фермернинг қарийб уч йиллик сарсону оворагарчилигининг баҳоси бир «ҳайфсан» бўлса, уларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини тиклаш учун яна қанча овора бўлишини ўзингиз тушуниб етарсиз. Ҳолбуки, «ҳайфсан» билан ишлар ўз йўлига тушиб кетади, қорлар ёғаверса, излар босилади, дейишдан анча йироқмиз. Чунки олтинсойлик фермер Абдумалик Қодиров ҳалигача ўз ерига ўзи эгалик қилолмаяпти.

Искандар ПОЛВОНОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Маълумки, мамлакатимиз ўзининг ички ва ташқи фаолиятини юритишда кучли молиявий сиёсатга таянади. Молиявий маблағлар солиқ ва турли йиғимлардан тўпланади. Демак, солиқ қонунчилиги ҳукуматимизнинг унга доир қатор қарорлари, меъёрий ҳужжатларга асосланган солиқ сиёсати туфайлигина бу иш амалга оширилади.

Солиқ идораси ходими амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларни яхши ўқиб-ўрганмоғи ҳамда унга қатъий амал қилишни кундалик ва доимий вазифа, бурч деб билмоғи керак. Унинг шошма-шошарлик билан хулоса чиқариши ярамайди. Қатъиятли, камтарин, вазифасига фидойи, халқ орасида яхши фазилатлари билан ном қозонган ходимнинг ишида хатокамчиликлар учрамайди. Бундай ходим соҳаси обрўсига, шуҳасиз, обрў қўшади. Акс ҳолда Ғаллаорол туман давлат солиқ идораси ходимлари йўл қўйган хатоларнинг такрорланмаслигига ҳеч ким кафил бўла олмайди.

Хўш, Ғаллаоролда нима бўлганди ўзи?

Туман давлат солиқ идораси бошлиғи У.Абирқулов шу йилнинг 8 февралида 25-сонли буйруқни имзолайди. Буйруққа асосан туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Фармацевт", "Мойчечак-1А", "Умид" хусусий дорихоналарида назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2002 йил 10 августдаги 4/1-1 сонли рухсатномасига асосан савдодан тушган нақд пул маблағларини тўлиғича банкка топширилиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 280,621,264,230 219 ва 404-сонли қарорларининг бажарилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилиши керак эди. Солиқ идораси сектор бошлиғи Ш.Муҳаммадиев ҳуқуқшунос У.Пўлатов билан "Фармацевт" хусусий дорихонасига, катта инспектор К.Эшмирзаев "Мойчечак-1А"га, бўлим бошлиғи Т.Кўчқоров эса "Умид" хусусий дорихонасига текширишга йўл олишади.

"Фармацевт" хусусий дорихонасига етиб келган Ш.Муҳаммадиев билан яқиндагина ишга кирган ҳуқуқшунос У.Пўлатов бу ерда назорат касса машинаси борлиги ва ишлаб турганлигини кўришади. Аммо дорихонада Вазирлар Маҳкамасининг 621-сонли қарорига мувофиқ назорат касса машинаси таъмирлаш учун сервис хизматида пайтида ёки электр-энергияси бўлмай қолганда ишлатиладиган чипталар мавжуд эмаслигини кўришади.

Текшириш чоғида дорихонада 241 сўмлик дори-дармонлар камомади борлиги аниқланади. Солиқчилар Х.Алимовнинг хусусий дорихонасидаги аҳвол юзасидан далолатнома тузишади ва дорихона 8 февралдан 14 февралгача муҳрлаб қўйилади.

Катта инспектор К.Эшмирзаев "Мойчечак-1А" хусусий дорихонасига келиб назорат касса машинаси ишлаб турганига гувоҳ бўлади. Бу ерда ҳам касса машинаси таъмирга берилганда ёки электр-энергиясида узилиш бўлган пайтда ишлатиладиган патталар йўқ эди. Камомад 563 сўм. К.Эшмирзаев дорихона эшигини муҳрлайди. Натижада тадбиркор Ф.Қўлдошева 8 февралдан 15 февралгача савдо қилиш фаолиятидан махрум бўлади.

Бўлим бошлиғи Т.Кўчқоров ҳам ҳамкасблари сингари йўл тутади.

Аслини олганда, ғаллароролик тадбиркорлар томонидан молиявий жаримага тортишга асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар содир этилмаган эди. Чунки дўконларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 264-сонли қарори талабларини бузиш ва бошқа қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаганди. Солиқчилар-ку хато қилишган, ходимларидан ҳам туман давлат солиқ идораси бошлиғи У.Абирқуловнинг илми "ғовлаб" кетган экан. У 9-10 феврал кунги қарорлари билан "Фармацевт", "Мойчечак-1А", "Умид" хусусий дорихоналарининг ҳар бирига 453 минг 500 сўмдан молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Солиқчилар хусусий дорихоналарга борганларида биринчи навбатда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 9-моддаси талаби бўйича текшириш ўтказиш учун асос бўлувчи солиқ идораси бошлиғининг буйруғини ва текшириш ўтказиш дастурини дорихоналар мудирларига тилхат орқали топшириши керак эди. Бироқ улар буни ўзларига эп кўришмаган. Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган **"Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"**ги Низоми талабларига зид равишда иш юритишган.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритган эди. Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг қарорлари билан ҳар учала хусусий дорихонага нисбатан туман солиқ идораси бошлиғи томонидан қўлланилган молиявий жарималар асоссизлиги ва ноқонунийлиги сабаб бекор қилинди. Солиқ идораси бошлиғи А.Абирқулов, катта инспектор К.Эшмирзаевларга "ҳайфсан" берилди. Ш.Муҳаммадиев ва Т.Кўчқоровлар эгаллаб турган вазифаларидан озод қилинди.

Ўйлаб қараганда, ғаллароролик солиқчиларга интизомий жазони бироз раво кўрган эмас. Бурчга масъулиятсизлик, қонунларга беписанд муносабатда текширув ўтказишгани уларни шу қийга солди. Қонунбузилишидан дастлаб тадбиркорлар ҳаловати йўқолиб, тинчи бузилганди. Адлия бошқармаси аралашувидан кейин текширув текширувчиларнинг ўзига ана шундай қимматга тушди.

Носир МАЖИДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

МАШИНА МАШМАШАСИ

Ajab savdolar

Минаҳмад Бекмуродов 1975 йилдан буён "Оролсувқурилиш" ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг Беруний шаҳридаги 3-қурилиш бошқармасида (ҳозирда "Берунийоролсувқурилиш" очиқ турдаги акциядорлик жамияти) ҳайдовчилик қилиб келди. Бошқарманинг иқтисодий ночорлик туфайли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш имкони бўлмагач, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди судьяси Ю.Ким имзоси билан 1999 йил 1 июнда 36 миллион 237 минг 900 сўм миқдоридаги бюджетолди мажбурий тўловларини қурилиш ташкилотининг мол-мулкига қаратиш ҳақида 218-Н/02-сонли қарор қабул қилинди.

Шунга биноан қурилиш бошқармасининг 41 номдаги асосий мол-мулклари эркин савдога чиқариш учун Беруний шаҳар солиқ инспекцияси томонидан хатланди. Жумладан, Минаҳмад Бекмуродов 11 йилдан бери бошқариб келаётган "КамАЗ-53212" русумли, давлат рақами 23 АА 354 бўлган автомашина ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олди. Дабдурустдан тагидаги тулпорини ким ҳам бошқага бериб кўярди, дейсиз? Минаҳмад Бекмуродов ҳам шундай фикрга борди-да, 2000 йилнинг 30 ноябрида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва банкрот корхоналарнинг мол-мулкини сотиш мустақил маркази томонидан ташкил этилган "кимошди" савдосида ўз автоуловини 178-Н шартномаси асосида 560 минг сўмга сотиб олди. Аммо автомашина ҳужжатлари ҳадеганда қўлига тегавермади. Шу боис Минаҳмад Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди судьяси Ю.Ким номига ушбу масалада ёрдам беришини сўраб ариза йўллади. Ўз навбатида Ю.Ким 2001 йилнинг 23 мартида ва 2002 йилнинг 25 сентябрида автоулов ҳужжатларини қонуний эгасига қайтариш мажбурияти хусусида иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва банкрот корхоналарнинг мол-мулкини сотиш мустақил маркази бошлиғи К.Наврўзов ҳамда 3-қурилиш бошқармаси бошлиғи Ҳ.Отажоновларга 141- ва 343-сонли хатлар орқали мурожаат этди. Ва ниҳоят, 2002 йилнинг 26 сентябрида Минаҳмад Бекмуродов автомашинага тегишли ҳужжатларга эга бўлди. Афтидан, ҳамма нарса рисоладагидек ҳал бўлган эди. Аммо орадан бир ҳафта ҳам ўтмай, яъни 2002 йилнинг 30 октябрида қурилиш бошқармаси бошлиғи Ҳ.Отажонов Хўжалик судининг 1999 йил 1 июндаги бюджетолди қарзлар тўловини бошқарма мол-мулкига қаратиш юзасидан қабул қилинган 218-Н/02-сонли қарорини бекор қилишни сўраб, судья Ю.Ким номига ариза топширди. Қарангки, судья ҳам бу аризага "лаббай" деб жавоб қилди-да, 2002 йилнинг 1 ноябрида ўзи бундан 3 йилу 5 ой муқаддам қабул қилган қарорини зумда бекор қилиб юборди.

Судья Ю.Кимни яшин тезлигида суд қарорига аниқлама киритишга нима мажбур қилди? Судья ўзининг қарорини ўзи (устига-устак 3 йилу 5 ойдан кейин) бекор қилиш ҳуқуқига эгамиди? Унинг хўжалик суди муҳри билан тасдиқланган аниқламаси Хўжалик процессуал Кодекси ва Фуқаролик кодекси талабларига мос келадими? Бу саволларга жавоб излашни мутасадди ҳуқуқшунослар ҳукмига ҳавола қилайлик-да, воқеа тафсилотини сўзлашда давом этайлик.

Шундай қилиб, судья Ю.Кимнинг масаласига бундай антиқа ёндашиши қурилиш бошқармаси раҳбарларини янада "сергаклантириб" юборди. Натижада бошқарма бошлиғи Ҳ.Отажонов қонуний тарзда сотиб олинган машинани яна қайта қурилиш ташкилотига қайтариб олиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига даъво аризаси киритди.

"Чоп-чоп"лар анчагача давом этди. Асаб торлари тортилган Минаҳмад Бекмуродов Республика Олий хўжалик суди номига кассацион тартибда ариза йўллашга мажбур бўлди. Сал фурсат ўтмай, ариза Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди раиси О.Нуржоновга ижро учун жўнатилди. Афсуски, ишга бўлган совуққонлик муносабати туфайли аризагўй ҳали-ҳамон ўз кассацион шикоятига жавоб ололмаяпти.

Яна фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятига қайтайлик. Шу йўсинда жорий йилнинг 30 майида фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судида фуқаро Минаҳмад Бекмуродовга тегишли бўлган "КамАЗ-53212" русумли автомашинани қурилиш бошқармасига қайтариб олиш хусусидаги даъво аризаси кўриб чиқилди. Суд мажлиси гарчи Минаҳмад Бекмуродов 218-Н/02-сонли шартнома асосида "Халқ банк"и орқали "Берунийоролсувқурилиш" акциядорлик жамияти номидаги туман солиқ инспекцияси ҳисоб рақамига автомашина ҳариди учун тегишли бўлган маблағни аллақачон ўтказиб қўйган бўлса-да, мазкур шартномани ҳақиқий эмас деб топди ва автоуловни қурилиш бошқармасига қайтариш ҳақида қарор қабул қилди. Апелляцион тартибда иш кўрган фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди қарорни ўзгаришсиз қолдирди.

Воқеа тафсилотини ўрганиш жараёнида яна қайта савол туғилади: Хўжалик суди судьяси Ю.Ким ўзининг 1999 йил 1 июнда қабул қилган 218-Н/02-сонли қарори билан ҳақмиди? У орадан 3,5 йил вақт ўтиб, нима учун ўз қарорини бутунлай бекор қилди? Асосан кредиторларга тегишли бўлган бу қарор Минаҳмад Бекмуродовга ҳам дахлдор эдими? Ҳуқуқий асосларга биноан биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган қарорлари фақат кассация тартибида ёки назорат инстанциялари судлари ёхуд янги маълумотлар аниқланган шароитда олий инстанция судлари орқали бекор қилинмайдими? Қолаверса, бу ҳолат **"Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида"**ги Қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талабига зид эмасми?

Умуман, ушбу можароли масалада ким ҳақу ким ноҳақ? Қонун битта, аммо унинг ҳимоячилари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг турфа хиллиги ҳар қандай кишини таажжубга солиши табиий. Шундай экан, машина олди-сотдиси билан боғлиқ мазкур масала ўзининг ҳаққоний ечимини топиши зарур.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Байрам тараддуди



НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ: У КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН КЕЛТИРАДИ?

Дилором Алимова роппа-роса уч йилдан ортиқ вақт мобайнида турли хил катта-кичик идораларнинг остонасини ҳатлаб, кўп оворагарчилик бўлган эди. Айни дамда унинг кўнглидан "ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди..." деган фикр кечаётган бўлса, ажаб эмас.

Хўш, Дилором Алимова ким? Унинг бошига қандай савдолар тушди? Нега у уч йил овора-ю сарсон бўлди? Нега унинг бошига тушган ташвиш ўз вақтида ҳал этилмади?

Дарвоқе, Дилором Алимовани нафақат Қўқон шаҳрида, балки Фарғона вилоятида ҳамма яхши танийди, бирдек ҳурмат қилади. У бундай иззат-ҳурматга ўзининг сидқидил меҳнати, қолаверса, тадбиркорлиги билан эришган. Истиқлол шарофати билан у 1997 йилнинг 28 март куни Қўқон шаҳрида "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасини ташкил этди. Юридик шахс сифатида лицензия олиб, элга хизмат кўрсата бошлади. Ҳамма иш жойида кетаётган эди. Лекин нима бўлди-ю, 2000 йилнинг 26 январ куни унинг корхонасига текширувчилар келишди.

— Биз Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекциясиданмиз, — дея текширувчилар ўзларини таништиришди.

— Майли, — дея Дилором Алимова уларни хотиржам қарши олди, — текширишсин, иш бор жойда камчилик бўлади. Қайтага камчиликларимизни кўрсатишса, бизга фойда-ку!

Шундан сўнг текширувчилар енг шимариб ишга тушиб кетишди. Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекциясининг ходимлари Ф.Азизов, Б.Фозилхўжаев, Р.Рауповдан иборат текширув гуруҳ аъзолари роппа-роса 28 кун давомида "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасига тегишли барча ҳужжатларни ипидан игнасигача назардан ўтказиб чиқишди. Охири эса корхона томонидан 346.300 сўм солиқ ва тўловлардан бўйин товлашлик ҳолати мавжуд дея, бу ҳақда далолатнома тузишди. Мазкур далолатномага асосан "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси раҳбари Д.Алимова ва бош ҳисобчи Ш.Мамаюсуповга нисбатан амалдаги Жиноят Кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилди. Бунинг устига улар Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекциясини бошлиғининг 2000 йил 28 феврал кунидаги қарори билан Солиқ Кодексининг 135-моддасига асосан 1.174.100 сўм миқдорида молиявий жаримага тортилди. Ҳадемай қўзғатилган жиноят иши асосида дастлабки тергов ҳаракатлари ҳам бошлаб юборилади. Ҳатто 2000 йилнинг 20 июль куни жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилди. Аммо суд жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш давомида "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасида Қўқон шаҳар "Реноме-Аудит" аудиторлик идораси томонидан текшириш ўтказади. Ана шундан сўнг ҳақиқат хиёл ойдинлашади. Нега деганда, мазкур текшириш якуний хулосаси Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан тузилган далолатномага қарама-қарши эди. Суднинг 2000 йил 17 октябрь кунидаги ажрими билан суд бухгалтерия экспертизаси тайинланади. Республика илмий тадқиқот криминалистика Марказининг 2000 йил 19 декабрь кунидаги 343/17-сонли хулосасига кўра, "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси томонидан тўланиши лозим бўлган даромад яширилмагани қайд этилади. Ушбу асосга кўра суд жиноят ишининг Д.Алимова ва Ш.Мамаюсуповларга амалдаги Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди билан айблаш ҳақидаги қисмини қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориш учун қайтаради. Қўшимча тергов ҳаракатлари Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси терговчиси Ж.Холматов томонидан олиб борилади. Унинг 2001 йил 12 июль кунидаги қарори билан комиссион тартибда суд бухгалтерия экспертизаси тайинланади. Ушбу экспертизанинг 2001 йил 15 августдаги 2373/17-сонли хулосасида корхона томонидан қасддан солиқ тўловларини яшириш ҳолатлари йўқлиги яна бир бор қайд этилади. Шундан кейин терговчининг 2001 йил 24 сентябрь кунидаги қарори билан амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисми билан Д.Алимовага тааллуқли жиноят таркиби бўлмагани сабабли жиноят иши иш юритиладан тўхтатилди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, кутилмаганда нега ҳамма иш бирданига тескари тус олди? Ҳамма гап шундаки, солиқчилар текширувни 2000 йилнинг 1 январидан 1 февралигача ўтказиши керак эди. Бунинг устига "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси фаолиятини текширишда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**-ги Қонун талабларига риоя этилмаган.

Энг ёмони, бу ноқонуний текширув тадбиркор аёл Дилором Алимовага жуда моддий зарар кўради.

Албатта, икки йил давомида тадбиркор аёл идорама-идора қатнайвериб, савол-жавоб қилавериб соғлигига, ишчанлик фаолиятига жиддий зиён етади.

Суд мажлисида даъвогар — Фарғона вилоят адлия бошқармаси вакили Ш.Холматов даъвони қўллаб-қувватлади.

— "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасининг молиявий хўжалик ишларини текшириш назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган мувофиқлаштирилган иш режасига кўра, — дейди у суд мажлисида, — 2000 йилнинг 1 январидан 1 февралигача назорат идоралари томонидан текширилиши белгиланган. Бу ҳақда Фарғона вилояти назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари, бошқарма бошлиғи Н.Қорабоевнинг 06-1444 сонли хати мавжуд. Лекин Солиқ инспекцияси ходимлари мувофиқлаштирувчи кенгаш иш режасига амал қилмасдан Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосарининг 76-сонли буйруғи билан Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари Ф.Азизов, Б.Фозилхўжаев, Р.Раупов "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасини текшириш учун 2000 йилнинг 26 январидан 31 январигача сафарбар қилинган. Текширувчиларга Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Алимов томонидан шу муддатларга гувоҳнома берилган. Амалда эса текширувчилар текшираётган объектни 2000 йилнинг 26 январидан 26 февралигача текширишган. Текшириш муддати қўпол равишда бузилган. Текширувчилар томонидан тузилган 2000 йил 24 февраль кунидаги далолатномада "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси 346.300 сўм солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаган, деб кўрсатилган. Шу асосда кўзғатилган жиноят иши 3 йил давомида бир неча марта Д.Алимова ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги, у солиқ тўловларини ортиғи билан тўлаб қўйганлиги сабабли ҳаракатдан тўхатилган.

Суд мажлисида иштирок этган Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Суд уларни тинглаб, ишдаги мавжуд далиллар билан танишиб, томонлар фикрини эшитиб, даъвони Фуқаролик кодексининг 985, 1000, 1021, 1022-моддалари, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-II-моддалари, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунининг 4-18-20-моддаларига асосан қаноатлантиришни лозим топди. Иш бўйича жавобгар — Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари Азизов, Фозилхўжаев ва Раупов "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасининг фаолиятини текширишда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонунининг талабларига риоя этмаган. "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасини текшириш Фарғона вилояти назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари, бошқарма бошлиғи Н.Қорабоевнинг 06-1444 сонли хати мавжуд. Лекин Солиқ инспекцияси ходимлари мувофиқлаштирувчи кенгаш иш режасига амал қилмасдан Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосарининг 76-сонли буйруғи билан Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари Ф.Азизов, Б.Фозилхўжаев, Р.Раупов "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасини текшириш учун 2000 йилнинг 26 январидан 31 январигача сафарбар қилинган. Текширувчиларга Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Алимов томонидан шу муддатларга гувоҳнома берилган. Амалда эса текширувчилар текшираётган объектни 2000 йилнинг 26 январидан 26 февралигача текширишган. Текшириш муддати қўпол равишда бузилган. Текширувчилар томонидан тузилган 2000 йил 24 февраль кунидаги далолатномада "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси 346.300 сўм солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаган, деб кўрсатилган. Шу асосда кўзғатилган жиноят иши 3 йил давомида бир неча марта Д.Алимова ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги, у солиқ тўловларини ортиғи билан тўлаб қўйганлиги сабабли ҳаракатдан тугатилган.

Суд мажлисида иштирок этган Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Суд уларни тинглаб, ишдаги мавжуд далиллар билан

Dakki

шириш муддатларини узайтирилиши махсус ва ваколатли идора қарори билангина алоҳида ҳолларда узайтирилиши мумкин. Иш бўйича эса Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари қўлида текшириш муддатининг 31 январдан сўнг давом эттириш ҳақида махсус ваколатли идора қарори бўлмаган. Аниқроқ айтганда, бундай қарор олинмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг раиси Б.Раҳмонов раислигида бўлиб ўтган суд мажлиси Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Алимовнинг 2000 йил 28 феврал кунидаги "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонасига молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорини бекор қилди. "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси фойдасига жавобгар Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекциясидан молиявий жарима учун тўланган 1.250.000 сўм ундирилди. Автохизмат корхонаси раҳбари Д.Алимова фойдасига Ф.Азизов, Б.Фозилхўжаев, Р.Рауповдан етказилган моддий зарар учун 986.419 сўм солидар тартибда ундириладиган бўлди.

Бундан ташқари, жавобгарлар Ф. Азизов, Б.Фозилхўжаев ва Р.Рауповлардан Д.Алимова фойдасига маънавий зарар учун 3.000.000 сўм солидар тартибда ундириладиган бўлди. Д.Алимованинг қўшимча даъвоси қаноатлантирилиб, Қўқон шаҳар Давлат Солиқ инспекциясидан "Наргиз-Дилором" автохизмат корхонаси фойдасига бой берилган фойда учун 1.867.459 сўм ундириладиган бўлди. Шунингдек, Д.Алимова фойдасига жавобгар Х.Алимовдан 100000 сўм, М.Турдиқуловдан эса 100000 сўм маънавий зарар ва давлат божи, суд харажатлари ҳам ундириладиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқат кечикиб бўлса-да, юзага чиқди.

Бу воқеа моҳият-мазмуни билан кишини мулоҳаза юритишга ундайди. Буни қаранг: биргина ноқонуний асосда ўтказилган текшириш тадбиркорга, демак, жамиятимизга қанчалик қимматга тушди. Тадбиркор аёл Дилором Алимов то ҳақиқат юзага чиққанга қадар қанчаданқанча овора бўлди, соғлигига, фаолиятига жиддий путур етди.

Хўш, бунинг ўрнини нима билан тўлдириб бўлади?

Айтмоқчимизки, тадбиркорлик фаолиятига тараққиётимиз кафолати, фаровон ҳаётимиз манбаи деб қараётган экан, битта тадбиркор фаолиятига путур етиши жамиятимизга, ҳар биримизга қайсидир маънода зиён етади, деган маънони англатади. Ана шу сабоқни ҳеч қачон унутм

31 — август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ХАЛҚ – ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ

Фитрат...

Мен бу номни илк марта бундан олтмиш олти йил муқаддам эшитганман. Ўшанда, агар янглишмасам, 1937 йилнинг сентябри эди. Мен, ўн ёшдаги қизалоқ, ўзим каби етим қиз Инобат билан танаффус пайти бир китобчанинг устида талашиб қолдик. "Қиёмат" деб номланган бу китобнинг олдиндан мақтовини эшитган, бироқ унга етолмай юрган эдик. Ўша куни дугонам опаси Шарофатхон шу китобни қаёқдандир топиб келтирганини айтиб, мақтаниб қолган эди.

ЎН БЕШ ДАҚИҚА ИЧИДА ЎҚИЛГАН ҲУКМ...

Энг ёмони, ўша пайтда биз китоб устида тортишаётганимизда ўқитувчимиз синфга кириб, тепамизда турганини ҳам сезмаганмиз. Наинки бизнинг синфимиз, балки бутун мактабда суюкли ўқитувчи бўлиб шуҳрат топган адабиёт ўқитувчимиз Мурод Шарафитдинов бизга ўқрайиб қараб турардилар.

Икки дугона нима қиларимизни билмай тош қотиб қолдик. "Фитрат, "Қиёмат", — деб ўқидилар Мурод ака. — Қаердан олдинглар бу китобни? Бу китобни ўқиб бўлмайди. Уни ёзган одам — халқ душмани. Билиб қўйинглар, халқнинг душмани!"

Табиийки, ўшанда биз ўқитувчимизнинг важоҳатини кўриб, қаттиқ қўрқувга тушган, рангимиз сурпдек оқариб кетган. Бунинг устига ўша-ўша Фитратнинг қайта бошқа асарини ҳам кўрмадик, номини ҳам эшитмадик. Кейинчалик одамларнинг шивир-шивир, узуқ-юлуқ гапларидан англадикки, Фитрат ҳам севимли адабимиз Абдулла Қодирий сингари қатл этилган экан...

Осмон узоқ, ер қаттиқ. Ўшанда биз гўдаклар нимани англардиг-у, қўлимиздан нима ҳам келарди... Катталар нима деса, шуни тўғри деб биларди.

Фақат юртимиз мустақиллиги шарофати билан ҳужжатгоҳларнинг зич ёпиқ эшиклари очилгач, мустабид тузум халқимиз устидан олиб борган қирғиннинг барча даҳшат-у изтироблари билиш имкони туғилди. Жумладан, шоир Абдурауф Фитратнинг ҳам фожели қисматидан огоҳ бўлдик. 1937 йилда Абдурауф Фитрат устидан 4269 рақамли тергов иши олиб борилган. Унда қайд этилишича, 1886 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган Рауф Раҳимович Фитрат



ВЕРХОВНЫЙ СУД СОЮЗА ССР

ОПРЕДЕЛЕНИЕ № 4н-07109/57

ВОЕННАЯ КОЛЛЕГИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА СССР

В составе: Председательствующего полковника юстиции Лихачева

членов полковника юстиции Скротенко и полковника юстиции Петровского

рассмотрела в заседании от 1 августа 1957 г. заключение Генерального Прокурора СССР по делу

ФИТРАТА Рауфа Рахимовича, 1886 года рождения, до ареста – 22 июля 1937 года – профессор НИИ языка и литературы, осужденного 5 октября 1938 года Военной коллегией Верховного Суда СССР по ст.ст. 57-1, 63, 64, 67 УК Аз.ССР к расстрелу, с конфискацией имущества.

Заслушав доклад тов. Скротенко и заключение пом. Главного военного прокурора подполковника юстиции Балмина,

установила:

ФИТРАТ осужден за то, что являлся участником антисоветской националистической повстанческо-террористической организации.

В заключении прокурора ставится вопрос об отмене приговора и прекращении дела за отсутствием состава преступления, поскольку дополнительной проверкой установлено, что Фитрат никаких преступлений по службе не совершал.

Соглашаясь с доводами, изложенными в заключении, Военная коллегия Верховного Суда СССР

определила:

Приговор Военной коллегии Верховного Суда СССР от 5 октября 1938 года в отношении ФИТРАТА Рауфа Рахимовича по вновь открывшимся обстоятельствам отменить и дело прекратить за отсутствием в его действиях состава преступления.

Подлинное за надлежащими подписями

Старший секретарь Военной коллегии Верховного Суда СССР подполковник адм.сл.

партиясиз бўлган, Пушкин номидаги тил-адабиёт институти профессори сифатида фаолият олиб борган.

Ҳужжатларнинг дарак беришича, 1937 йилнинг июлида, ҳибсга олинган шоир айблов қарори билан таништирилади. Бу қарорда қайд этилишича, Фитрат совет ҳокимияти Бухорода фаолият олиб борган илк чоғларданоқ, миллий пантуркистик аксилинқилобий ташкилотга раҳбарлик қилишда айбланган.

Бундан ташқари, у 1920-23 йилларда Бухоро халқ шўролар жумҳурияти ҳокимиятида ташқи ишлар вазири бўлиб турган чоғида Бухородаги аксилинқилобий



да Олмония, Англия давлатлари, Озарбайжон, Татаристон республикалари раҳбарияти билан ҳамкорликда советларга қарши тарғибот олиб борган, деган айб ёпиштирилади.

Абдурауф Фитрат ҳибсдалиги чоғида ўта мудҳиш азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Бир томондан, қийноқларга асосланган терговлар, бошқа томондан маҳбуслар Муинжон Аминов, ота Пўлат Хўжаев, Қаюм Рамазон, Анқабой, Отажон Ҳошим, Ғози Олим Юнусов, Аъзам Аюблар билан юзлаштириш уни батамом ҳолдан тойдириб ташлайди. Бунинг устига оиласини, боқувсиз қолиб кетган етмиш яшар онаси Бибижон аяни, ҳеч ерда ишламайдиган рафиқаси Ҳикматой ва қизалоғи Севарани ўйлаганда дили баттар хун бўлади. Энг ёмони, у ўзи ҳибсга олингач, хонадонида тинтув ўтказилганидан бехабар эди. Бу тинтув жараёнида 153 номдаги ашёлар хатланган эди, хатга тушган бутергов иши 1937 йил 27 апрелда ёзилган 417-ордер бўйича тинтувда қуйидаги буюмлар олиб қўйилганини тасдиқлаймиз.

1. Қўлёзма фотоси
2. Пьеса қўлёзмаси
3. Уч дона китоб
4. 59 саҳифа турли ёзишмалар
5. Бир дона очилмаган конверт
6. Бир дона очилган конверт
7. Бўш конверт
8. Икки ёзув дафтари
9. Ов милтиғининг патрони

Буларнинг бари иш юзасидан зарурати бўлмагани сабабли терговдан сўнг йўқ қилиб ташланди.

ЎзССР ИИХ комиссарлиги
Давлат хавфсизлиги бошқармаси
2-бўлинмаси бошлиғи (Торопов)
ЎзССР ИИХ комиссарлиги
Давлат хавфсизлик бошқармаси
3-бўлимининг 2-бўлинмаси катта оператив вакили Имзо"

Ҳужжатларда қайд этилишича, шоир Фитрат 1938 йилнинг 5 октябри куни СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси ёпиқ мажлисида Тошкент шаҳрида суд қилинган. Суд мажлиси бригюрист Алексеев раислигида, бригюрист Зайцев ва биринчи ранг ҳарбий юрист Болдирев аъзолиги ҳамда 1-ранг ҳарбий юрист Батнер саркотиблигида соат ўн иккидан 25 дақиқа ўтганда бошланган.

Раислик қилгувчи шоир Абдурауф Раҳимович Фитратнинг жиноят мажмуасининг 571,64,67 моддалари билан айблов иши кўрилажагини эълон қилган.

Саркотиб судланувчининг залда эканини, гувоҳлар судга чақирилмаганини билдиради.

Раис судланувчининг дарҳақиқат залюмлар ичида эркаклар кўйлаклари, шими, кальсондан тортиб галстук, дўппию, дастурхон, ёстиқ жилди ва пайпоққача бор эди.

Мазкур жиноят ишининг 196 саҳифасида шундай бир акт бор. Уни рус тилидан ўзбек тилига ўгирганда, қуйидаги маъно чиқади.

"АКТ

Абдурауф Фитратнинг 4269 рақамли



да эканига ишонч ҳосил қилгач, ундан айблов хулосаси билан танишган-танишмаганини сўрайди. Судланувчи танишганини айтади. Судланувчига унинг суддаги ҳуқуқини тушунтирадилар. Сўнг суд ҳайъати эълон қилинади.

Қора курсида бир минг хаёлга ғарқ ўтирган судланувчи шоир Фитрат суд ҳайъатига эътироз ҳам билдирмайди, ҳеч қандай талаб ҳам қўймайди.

Раис судланувчига унинг зиммасига қўйилган айбларнинг мазмун-моҳиятини англатади ва айбланувчидан ўзини айбдор деб ҳисоблаш-ҳисобламаслигини сўрайди. Бу саволга жавобан бояги-бояги ҳардамхаёл ўтирган шоир тергов чоғида унга қўйилган айбларга иқрорлигини айтади. Сўнгги сўзида эса шоир Фитрат ўзига озодлик инъом этишларини сўрайди.

Қисқаси, соат ўн икки-ю йигирма беш дақиқада бошланган суд мажлиси поёнига етади ва суд ҳайъати маслаҳатлашиш учун махсус хонага киради. Соат ўн иккидан қирқ дақиқа ўтганда суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади: бор-йўғи ўн беш дақиқа ичида халқимизнинг суюкли шоири ва профессори Абдурауф Фитрат отувга ҳукм этилади. Ҳукмга кўра, маҳбуснинг унга тегишли мол-мулки мусодара этилиб, СССР Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабри қарорига асосан ҳукм зудлик билан ижро этилди. Ўзбек халқининг доно ўғлони, суюкли шоири, профессор Фитратнинг қисмати ана шу йўсин фожиали якун топади.

Минглаб халқимизнинг асл фарзандларининг ҳаётдан кун кўрмай ўтиб кетиши, ўта фожиали қисматлари ҳар биримизнинг қалбимизни ларзага солади. Бироқ мустабид тузум даврида ана шундай оловқалб кишиларнинг қисмати бундан бошқача кечиши мумкин эмасди. Чунки шўро замони зулмга, эркин ва озод интилишни бўғишга, нафақат бўғиш, балки йўқ қилиб ташлашга асосланган эди.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жамиятимизда тарихий адолат топди. Жумладан, мустабид тузум даврида қатағон гирдобига тортилган минглаб юртдошларимизнинг хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилиши ҳам бу фикримиз исботидир.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими

ҚУТЛУҒ ХОТИРАЛАР МАСКАНИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги остида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, озодлик учун жон фидо этган юртдошларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг қадри ва шаънини тиклаш мақсадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи қуриб битказилди.

Эндиликда бу қутлуғ маскан халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айланди. Бугунги кунда ушбу зиёратгоҳдан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Музейда мингдан ортиқ экспонатлар, тарихий буюмлар, фотосуратлар ўрин олган. Уларда XIX аср ўрталаридан тортиб, истиқлолгача бўлган даврда халқимиз бошидан кечирган жабру-зулм ўз аксини топган. Уларни томоша қилиш жараёнида юртимизнинг асл фарзандлари ҳеч қачон истибдодга бўйин эгмагани, озодлик кунларини бир дақиқага бўлса ҳам яқинлаштириш учун азиз жонларини аямаганига амин бўласиз. Музейдаги мавжуд тарихий ҳужжатларни ўқиган ҳар бир киши мустабид тузумнинг қатағон даҳшатини кўз олдига келтириши тайин. Мисол учун айтсак, мутлақо махфий хатларнинг бирида Одесса совхозларига қулоқ сифатида сургун қилинган 14.713 нафар ўзбекларнинг аянчли аҳволи баён этилган. Унда ёзилишича, қулоқ қилинган оилалар ярим ертўла харобаларда кун кечирган. Одамларнинг ётиб-туришга ўрин етишмаган. Кийим-бош, оёқ кийим йўқ ҳисоби бўлган. Кўпчилик молҳоли билан битта хонада яшаган.

Музейдаги ҳужжатларнинг кўрсатишича, 1917 йилдан 1939 йилгача 450 минг нафар юртдошларимизга нисбатан жиноий иш қўзғалиб, уларнинг асосий қисми қатл қилинган, қолганлари қайта-қайта қамалиб, охири ном-нишонсиз кетишган. Уларнинг аксариятини бегуноҳ оддий одамлар ташкил этган. Бу эса жафокаш халқимизнинг не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни бошдан кечиргандан далолатдир. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасоратини эъзозлаш, уларнинг хотирасини ёдлаш бугунги авлод учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Шу маънода "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи халқимизнинг истибдод даврида озодлик йўлида қурбон бўлган фарзандлари хотирасига бўлган ҳурматнинг рамзий ифодасидир. Зеро, бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши шаҳидлар хотирасини шод этиш баробарида озодликнинг нақадар улуғ неъмат эканини англаб етади, бугунги дориламон кунларга шукрона айтади.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир. Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан, мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Ислом КАРИМОВ





АЛПҚОМАТ ЙИГИТ ЭДИ...

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Унинг отаси Орифхон Саидов қўқонлик мударрис, онаси эса исфаралик бадавлат бир қозининг фарзанди бўлган. Онаси Носир Саидийга ҳомиладор бўлиб, ой куни яқинлашганида Исфарага, ота-онаси бағрига бориб, ўша ерда кўзи ёриган. Сўнг фарзандининг чилласи чиққач, яна Қўқонга қайтиб келган. Аммо бечора онанинг умри қисқа экан, Носиржон уч-тўрт ёшга етганида оламдан ўтган. Шундан кейин Носиржон гарчанд отаси бошқа оила қурган бўлишига қарамай, у билан бирга яшади. Орифхон ота 1922 йили вафот этганидан кейин рўзғор ташвишлари йигирма бир ёшли йигитчанинг елкасига тушди. У бир йил-ярим йил отасидан қолган сармоя ҳисобига яшаб, 1923 йили она томон қариндошларининг қистови билан Исфарага кўчиб борди-да, қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилди.

Бироқ Носиржон кимнингдир маслаҳати билан 1925 йили Исфарани тарк этиб, "нон шаҳри"га келади ва 1927 йилга қадар Тошкентдаги 1-босмахонада оддий ишчи бўлиб хизмат қилади. 1927 йили ишдан бўшаб, Исфарага йўл олади ва Рисолат исмли қўқонлик қизга уйланиб, яна Тошкентга қайтади. Носиржон бу сафар "Муштум" журналида адабий ходим бўлиб ишлайди ва 1932 йилнинг ёз ойларига қадар "муштум"чилар билан бир даврда яшайди.

Сўнгра "Юрган — дарё, ўтирган — бўйра" деганларидек, Носир Саидий яна Исфарага кўчиб бориб, 1933 йилнинг июн-июл ойларига қадар бошланғич мактабда дарс беради. Кейин тақдир шамоли уни Душанбе шаҳрига олиб боради ва у "Қизил Тожикистон" газетаси таҳририятига ишга киради.

1934 йил Бутуниттифоқ ёзувчиларининг 1-съезди билан тарихга кирган. Шу йили барча республикаларда ёзувчилар съезди ўтказилиб, СССР Ёзувчилар уюшмасининг республика бўлимлари тузилган. Ўша йилнинг июл-август ойларида Тожикистонда ҳам ёзувчилар съезди бўлиб ўтади. Съездга меҳмон бўлиб борган Фитрат, Ғафур Ғулом, Ғайратий каби ўзбек ёзувчилари орасида Зиё Саид ҳам бўлиб, у "Муштум" журналида таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ишлаганлиги учун Носир Саидийни таниб қолиб, уни Тошкентга, "Муштум"га таклиф этади. Кўп ўтмай Носир Саидий яна Тошкентга кўчиб боради.





Агар "Муштум"нинг шу йиллардаги сонларини варақлаб кўрсангиз, унга Носир Саидийнинг талайгина ҳажвиялари, шеър ва ҳикояларини кўрасиз, унинг "Муштум" журналининг асосий адабий ходимлари ва муаллифларидан бири бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Чиндан ҳам, у журналнинг нафақат ҳажвий, балки ижтимоий қиёфасини белгилайдиган талайгина асарлар ёзган. Номи эл оғзига тушган. Аммо ижод дарахти эндигина гулга кириб, мева тукканида 37 йил бўрони дафъатан кўтарилиб, уни илдиз-пилдизи билан суғуриб кетади.

Носир Саидий 1937 йил 5 декабрда Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонаси ходимлари билан алоқа қилганда шубҳаланиб, қамоққа олинади. Унинг шу вақтда Туркистондаги 1916-18 йилларда рўй берган воқеалар, чунончи, Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилишини совет мафкураси нуқтаи назаридан талқин қилувчи "Қон қуюни" романини ёзгани ҳам эътиборга олинмади. Носир Саидий айбсизлигини айтиб, қанчалар ялиниб-ёлвормасин, 1939 йил 14 май куни бўлиб ўтган судда 8 йилга кесилди ва Воркута шаҳридаги лагерлардан бирига жўнатилди. Тақдир уни Архангельск вилоятидаги 1-2-шахталарда кўмир қазишдек машаққатли ишга дучор этди.

Носир Саидий ҳужжатларга қараганда, 1946 йил 28 март куни озод этилган. Аммо қамоқхона ёки лагернинг темир дарвозаси озод этилган маҳбус қаршисида ҳадеганда очилавермайди. Носир Саидий ҳам ўша йилнинг декабрига қадар "Воркутауголь" комбинати дўконида сотувчи бўлиб ишлади. Унга на рухсат берилди, на тегишли ҳужжат. Ниҳоят, маҳбуснинг дод-фарёди фалакка етиб, 1946 йил 1 декабрда унинг она Ватанига қайтиб кетишига ижозат берилди. Носир Саидий 24 декабр куни не-не умидлар билан Исфарага етиб келди. Аммо 1947 йил февралининг ўрталарига қадар Исфарада кечаги маҳбусни ишга оладиган бирорта мард топилмади. Шундан кейин у Қўқонга йўл олди. Орадан бирор ой ўтганидан кейин ичакузди ҳажвиялари билан кишиларни кулдириб юрган ёзувчи Ҳамза номидаги Қўқон театрига буфетчи бўлиб ишга кирди. Лекин кўп ишлаёлмади. Куни кеча шахтада кўмир қазиб юрган маҳбус театрда, турли тоифадаги одамлар олдида буфетчилик қилиб юргандан кўра, "оч қорним — тинч қулоғим" қабилида яшашни маъқул кўрди. Ярим оч, ярим яланғоч кунлар ўта бошлади...

Аммо бу сталинизм муаллифи ва режиссёри бўлган фожианинг биринчи пардаси эди. Қаҳрамон фожианинг иккинчи пардасидаги синовларга ҳам дош бериши, бир оз нафас ростлаб олиши учун унга ва томошабинларга антракт — ҳордиқ дақиқалари берилган эди, холос. 1952 йил 22 феврал куни, ярим кечаси, Қўқон шаҳрининг Тошкент кўчасидаги 47-уйга яна НКВД ходимлари бостириб келди. Яна тинтув бошланди. Яна оила ташвиш дарёсига ғарқ бўлди. Яна оила бошлиғини қамоқхонага олиб кетдилар.

Терговчи энди 25 йиллик қамоқ жазосини бериш учун маҳбуснинг бутун ҳаёт дафтарини титкилаб чиқди. Унинг қаерда туғилгани, қайси шаҳардан қайси шаҳарга кўчгани, кимлар билан учрашгани ҳаммасини эринмасдан сўраб эшитди. Носир Саидий Афғонистон элчихонаси ходимлари билан учрашганлиги ҳақидаги миш-миш 1937 йилдаёқ совун кўпигидек парчаланиб кетгани учун энди бошқа, асослироқ бир далилни топиш зарур эди. Терговчи Носир Саидий "достон"ини тинглаб туриб, Зиё Саид исмини эшитиши ва унинг 1938 йилда "халқ душмани" сифатида отилганини эслаши биланоқ қувониб-ёзилиб кетди. Зиё Саидга аксилинқилобий ташкилот аъзоси деган сохта айбнинг ёпиштирилгани айни муддао эди. Модомики, аксилинқилобий ташкилот аъзоси "Муштум" журналида Носир Саидий билан ҳамкорлик қилган ва уни Душанбедан махсус чақиртириб олган экан, демак, бу бежиз эмас, бунда бир гап бор... Терговчига худди шундай баҳона керак эди. У Зиё Саид билан Носир Саидийнинг аксилинқилобий муносабатларини ўзи тузган сценарий асосида шакллантиради ва қийноқ йўли билан сўроқномага қўл қўйдириб олади. Бу сўроқномага кўра, маҳбус гўё Зиё Саид билан бирга "Оқладар" деган пьеса ёзган, бу пьесада буржуазия ва руҳонийлар кўкларга кўтарилган, бечора меҳнаткашлар оммасининг бойлар томонидан эзилгани четлаб ўтилган, деҳқонларнинг зулм ва зўравонликка қарши инқилобий кураши эса инкор этилган эди. Хуллас, адолат ва ҳақиқатнинг шоҳи этакларини истаганча топташ мумкин бўлган замонда Носир Саидийнинг қолган умрини ҳам қамоқхоналарда чиритиш учун баҳонаи сабаб топилган эди. Ҳатто 37 йил даҳшатларида ҳам қадди дол бўлмай, қарчиғайдек йигит бўлиб юрган Носир Саидий 1952 йилда, 51 ёшида, иккинчи маротаба қамоққа олинганида саксон-тўқсонни "уриб қўйган", мўлкиллаган бир чолга айланган эди. Шунга қарамай, у 1952 йил 10 май куни бахтсиз умрининг қолган қисмини яшаш учун Красноярск ўлкасидаги қишлоқлардан бирига сургун қилинади.

Носир Саидийнинг фожиали тақдири мустабид тузум даврида большевиклар барпо этган қатағон ўрмонидан яп-роққина, холос.

Азиз умрлари қамоқ ва лагерларда чириган Носир Саидий сингари жабрдийда аждодларимизнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Наим КАРИМОВ,
"Шаҳидлар хотираси" хайрия
жамғармаси раиси

ҚОЗИ ҲАЙДАРБЕКНИНГ АЙБИ НИМА ЭДИ?

Архив ҳужжатлари орасида **II-13856** рақам остида **"Абдусаидов Қ. Ҳ. ва бошқалар"** деб номланган икки жилдлик ҳужжат тахламида самарқандлик ўн нафар кишининг тақдири билан боғлиқ манбалар сақланади. Улар орасида Абдуқодир Шокурий, Фахриддин Рожий сингари таниқли зиёлилар ҳам бор; уларнинг "Миллий иттиҳод" ташкилотига бевосита алоқаси бўлмаган. Шу мазмунда тақалган айбни бўйниларига ҳам олмаган.

Аммо ўша айбланувчилар ичида Абдусаидов Қози Ҳайдарбек исмли шахс ўзининг 1920-24 йилларда "Миллий иттиҳод" ташкилотига аъзо бўлганини тан олади.

Қози Ҳайдарбек 1875 йилда Самарқандда туғилган. Рус-тузем мактабини битирган, сўнгра 1902-14 йилларда шу мактабда муаллимлик қилади. Самарқанд шаҳри, Сиёб вилоятида бошқарувчи бўлиб ишлайди. 1917-18 йилларда шариат қозиси бўлган, кейинчалик эса шўро ҳукуматининг суд органларида хизмат қилади.

Янги шўро ҳукуматининг эски чор ҳукуматидан фарқи йўқлигини кўрган ва юртнинг мустақил, эркин бўлишини истаган зиёлилар қатори Қози Ҳайдарбек ҳам 20-йилларда "Миллий иттиҳод" ташкилотида фаолият олиб боради. Унга қўйилган айбда Қози Ҳайдарбекнинг Самарқанд вилоятидаги босмачилик ҳаракатининг маънавий раҳбарларидан бири эканлиги ҳам айтилади. Дарҳақиқат, адолатсиз бир ҳукуматга қарши туришни Қози Ҳайдарбек ўзининг маънавий бурчи деб билади. Бироқ аллақачон оғзидан олов пуркаётган аждаҳо - шўро ҳукумати 20-йилларнинг ўрталарига келиб, нисбатан оёққа туриб олган эди. Шу боис 1926 йилда "бир тозалаш" ўтказишга эришади; юзлаб зиёлиларни ҳибсга олади; сургунга юборади. Қози Ҳайдарбек ҳам уларнинг назаридан четда қолмаслиги табиий эди. Аввал уч йил Сибирда — Орлов губерниясида, сўнгра яна уч йил Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятида сургун муддатини ўтаб қайтиб келади.

Қози Ҳайдарбек қайта ҳибсга олингунга қадар, яъни 1937 йил 29 августгача Самарқанд шаҳридаги музейда котиб бўлиб ишлайди. Аввал бир марта қамалган бу шахс шўро ҳукумати кўзига ўта хавфли бўлиб кўринган чамаси, 1937 йил 21 ноябрда отувга ҳукм этилади, тўрт нафар фарзанди етим қолади.

Дарҳақиқат, Қози Ҳайдарбек Абдусаидовга тақдирдош кимсалар, ўша қатағон довулига рўбарў келган айбсиз айбдорларнинг сони минглаб эди. Улар юрт қайғуси билан яшади; улар миллатнинг маънавий юксалишини ўйлади; улар Ватан озодлигини истади. Армон билан қатағон қурбони бўлди.

ФАХРИДДИН РОЖИЙНИНГ АРИЗАСИ

Фахриддин Рожий исми 1910-20-йиллар матбуотида тез-тез учраб туради. Шунингдек, самарқандлик жадид муаллимлари қаторида ҳам бу шахс ҳурмат билан тилга олинади.

Рожий ўз даврида нуфузли бир зиёли бўлгани аниқ. Шўро ҳукумати эса айнан ана шундай кимсаларни хавфли ҳисоблаган. Рожий 1937 йил 12 сентябрда ҳибсга олиниб, 23 сентябрь куни НКВД ходими Комачиев томонидан савол-жавоб қилинади.

Терговчининг сиз ўзингизга қўйилган айбни тан оласизми, деган саволига Рожий шундай жавоб беради:

"Мен аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотига аъзо бўлганим, уларга алоқадорлигим хусусидаги айбни бўйнимга олмайман. Шунингдек, босмачиларни ҳам қўллаб-қувватлаган эмасман. Иттиҳодчи Қози Ҳайдарбек уйида бўлиб ўтган мажлисларда қатнашмаганман.

Савол: Сизнинг "Миллий иттиҳод"га алоқадорлигингиз тўла-тўкис исботланган. Тўғри кўрсатма беришингизни тавсия этаман.

Жавоб: Такрор айтаманки, мен ҳеч қандай "Миллий иттиҳод"га аъзо бўлмаганман. Аммо жадидларга алоқадорлигимни яширмайман. Чор ҳукумати замонида машҳур жадид Беҳбудийнинг "Ойна" журналида ишладим.

Сўнгра инқилобдан кейин 1919-21 йилларда Саидзода Ализоданинг "Шулаи инқилоб" журналида фаолият кўрсатдим».

Кўриниб турганидек, "Ойна", "Шулаи инқилоб" хусусида терговчи сўрамаса ҳам, гап очиб қўйган Рожий ноқулай вазиятда қолади. Қатағон машинаси аллақачон ишга тушган, энди хас-чўпга осилиш фойдасиз эди. Рожий 1937 йил 21 ноябрда ўн йил муддатга қамалади.

Етим қолган беш нафар фарзанди, хотини томонидан масъул ходимларга мурожаатлар, илтимослар ёзилади. Бироқ уларнинг фойдаси бўлмайди.

Рожийнинг ўзи эса 1939 йили 14 июлда Республика прокурорга бир ариза билан мурожаат қилади. (Ариза лотин алифбосида ўзбек тилида ёзилган).

"Мен аризачи 1878 нчи йилинда бир камбағал оиласида дунёга келганман. Отамнинг асосий касби читгарлик ҳам муаллимлик бўлиб, камбағаллик билан умр кечирган. Вафотидан кейин менга мерос қолдирган асарлари, хат ва савод чиқаришга тегишли қоғозлардан иборат бўлган..."

Фахриддин Рожий шу зайлда аҳволини, ҳаётий фаолиятини, терговдаги савол-жавоб жараёнини ва ноҳақ қўйилган айбни баён қилади.

Оғзи қон, панжаси қон, нияти қора мустабид тузумдан Рожий ҳақиқатгўйликни умид этади. Ўзига нисбатан уюштирилган "Туҳмат ва ёлғон"ларни ислоҳ қилинишини истайди. "Токи ҳақиқатсизлик бўлиб жабр бўлмасин" дейди. Рожий масаласи текширилиши, қандайдир чақимчилар билан юзлаштирилишидан умидланади. Бироқ ҳеч нарса текширилмайди, ҳақиқат қилинмайди. "Натижада Зарафшон лагерида қамалиб, 10 йиллик «тройка» эълонини эшитиб ётмоқдаман, — деб ёзади Рожий. — Эндиликда сиз Олий орган бошлиғи бўлғон прокурор камбағалпарвар, ҳақиқатшунос, адолатлик совет вакилларидан сўрайманки, ишимни назоратингизга олиб, текшириш натижасида аёлманд, камбағал, хизматчи ва қарилигимни назарга олиб озодликка чиқарсангиз эди. Токи охирги умрим ҳам совет ягона социал давлати хизматида садоқат кўрсатиб туриб ўтказсам, деб Фахриддин Рожий Назриддинович.

14/VII. 39".

Бироқ Рожийнинг аризаси жавобсиз қолади. Озодлик илинжида ёзилган қатор синонимик илиқ сўзларнинг ҳам, садоқатли хизмат ваъдасининг ҳам фойдаси бўлмайди. Рожийнинг ўзи эса 1941 йил 24 январда Тошкентдаги қамоқхоналарнинг бирида вафот этади.

Хуллас, 30-йиллар охирида минглаб бегуноҳ кимсалар қамоққа олинди, отиб ташланди, азобланди. Шунингдек, адолат ва ҳақиқат илинжида расмий хизмат ходимларига минглаб аризалар ёзилди. Таассуфки, бу мурожаатларга, жабрдийдаларнинг нолишларига эътибор берадиган, қулоқ тутадиган кимса бўлмади. Арзгўйлар орзуси — Озодлик, шахсий озодлик, юрт озодлиги, руҳ озодлиги эди, албатта.

Баҳодир КАРИМ,
адабиётшунос

Ҳар бир инсон ҳаётида оила муҳим аҳамиятга эга. Чунки оила деб аталмиш муқаддас тушунчада инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ўз аксини топган. Шу боис оила қуриш ва уни мустаҳкам сақлаш ниҳоятда масъулиятли бурч саналади. Қуйида оила пойдевори ҳисобланган қиз болани ўстириш, уни тарбиялаш, оила қуришга тайёрлаш борасидаги айрим мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

ОИЛА ҚЎРҒОНИ БУТЛИГИ

Mushohada

Қиз болани авайлаб ўстириш ва яхши тарбия бериш биринчи галда онанинг вазифаси ҳисобланади. Чунки она оилада том маънодаги маънавий маслаҳатчидир. Шу боис ўғил ҳам, қиз бола ҳам дардини биринчи бўлиб онага айтади. Аксарият ҳолларда фарзандлар онанинг маслаҳати бўйича иш тутади. Ана шундай масъулиятли дамда уй бекасининг ҳар бир сўзи, унинг ўгити, маслаҳати ёшлар ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, оила қуриш мураккаб ва масъулиятли вазифа. Айниқса, қиз бола учун у умр савдоси демакдир. Ана шу жараёнда унинг адашиш, хато қилиш, шошма-шошарлик билан бирор-бир хулосага келишга ҳаққи йўқ. Умр давомида бир маротаба танлаш ҳуқуқига эга бўлган қиз болага она энг тўғри йўлни кўрсатиши зарур. Албатта, ҳар бир она фарзандига ёмонлик тиламайди. Ана шуни ҳисобга олиш шарт. Оила қўрғони бутлиги учун кафил бўлган оналаримиз зиммасига улкан вазифа ётади. Ҳар қандай оила ўз жигаргўшасини, айниқса, қиз боланинг бошқа оилага бориб, кўним топиш учун ўз маҳорати, салоҳияти, турмуш тажрибаси, бошқача айтганда, оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни бошқаришдаги донолигини ишга солиш керак.

Касб тақозосига биноан ҳар куни ёки кунора оилавий мажароларга гувоҳ бўламан. Кўп йиллик кузатишларим натижасида шундай хулосага келдимки, оиланинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан қиз боланинг ёшликда олган тарбиясига боғлиқ экан. Чунки қиз бола бошқа оиланинг синовларидан ўтиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кейинчалик эса бекаси бўлишига тўғри келади. Шу боис, оналар қизларни оилага тайёрлаш учун кўп меҳнат қилишлари, бу масалага катта масъулият билан ёндашишлари зарур. Шуни ҳисобга олиб туманимизда "Ёш қайноналар" мактабини ташкил этганмиз. Бу ерда туманимизда эрта-индин қайнона бўлиш бахтига муяссар бўлганларга ҳаётини аччиқ-чучугини кўрган нуроний уй бекалари, кекса онахонлар ўз тажрибаларини ўргатади, панд-насиҳат ва йўл-йўриқ кўрсатади. Чунки ҳозирги пайтда айрим оналарнинг қиз тарбиясига совуққонлик билан қараётгани ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай аёллар фарзандларини "давримда яйраб қолсин" деб, уларга уй-рўзғор юмушларини билвосита ўргатмайди. Шунингдек, ҳурмат-иззат, сабр-қаноат қилиш борасида ҳам насиҳат ва маслаҳат берилмайди. Бунинг ўрнига балоғат ёшига етган қизларга қимматбаҳо сеп йиғиш, уларни ясан-тусан қилиб кийинтиришга зўр беришмоқда. Натижада ўзга хонадонга келин бўлган қиз овқат пишириш, кир ювиш, бичиш-тикишни билмай мулзам бўлиб қолмоқда. Бу эса ҳар хил оилавий жанжалларга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда эса иш ажрашишгача етмоқда. Шу боис қиз болани оилага тайёрлашга оналар жиддий эътибор бериши лозим. Халқимиз қиз болани палаҳмон тоши дейди. Ҳақиқатдан ҳам, қиз боланинг тақдири анча мураккаб. Шу сабабли қизлар ҳамма нарсага тайёр бўлиши, оналари эса уларни бунга тайёрлашлари зарур.

Яна бир оғриқли муаммо шундан иборатки, ҳозирда баъзи ота-оналар қизларини балоғат ёшига етмаса ҳам турмушга бермоқдалар. Улар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимига ҳам мурожаат қилмай, Оила кодексига зид равишда қизларни турмушга узатиб юборишмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўш, ҳали балоғатга етмаган фарзандларимизни нега бахтига зомин бўламиз? Нега мажруҳ бола туғилишига йўл қўямиз? Ахир, ҳали балоғатга етмаган қиз бола оила деб аталмиш катта ғилдирак чархига дош бера олмай бахтсиз бўлиб қолмоқда-ку? Нега шуни вақтида ўйлаб кўрмаймиз?

Хулоса ўрнида айтсак, оналар оила қўрғони бутлигига бевосита кафил ҳисобланади. Чунки оналар шоир таъбири билан айтганда, бу дунёнинг юкини елкаларида кўтариб, ҳар биримизни фаровон яшашимизга хизмат қиладиган буюк зотлардир. Шу боис оналар олдида ҳамма бош эгади. Шундай экан, оналар ўзларининг буюклигини билган ҳолда иш тутсалар, оила деб аталмиш буюк қўрғон доимо бут бўлади. Бу асрлар синовидан ўтган азалий ҳақиқатдир.

Шаҳло ҚЎЧҚОРОВА,
ҳуқуқшунос



Taqdir tarixi

Andrew JACKSON

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

Америка Қўшма Штатлари президентлари тарихида энг камбағал оиладан чиққан ва биринчи бўлиб «ёғочли уйда» туғилиб, вояга етган ҳамда ҳозирги кунда муваффақиятли фаолият юритаётган демократик партиянинг асосчиси Эндрю Жексондир.

Асли Шимолий Ирландия фуқаролари бўлган Эндрью ва Элизабетларнинг ўғли Жексон 1767 йилнинг 15 мартида Жанубий Каролинада дунёга келади. Шуниси эътиборлики, Жексонлар оиласи моддий томондан жуда ночор бўлган бўлса-да, аммо маънавий жиҳатдан ўта бой кишилар саналишарди. Сабаби — Жексонлар хонадонида меҳр-оқибат, сабр-тоқат, ор-номус сингари фазилатлар ҳамма нарсадан устун турарди. Ана шундай баркамол маънавий муҳитда камол топа бошлаган Жексон диний билимларни эгаллаш мақсадида дастлаб черковда савод чиқаради. Оилада онаси Жексонга алоҳида эътибор билан қараб, «Бир кун келиб, албатта бирор давлатга элчи бўлиб борасан» деб яхши ният қилиб юрарди. Жексон 11 ёшида интернат мактабига ўқишга боради. Бу ерда у ёзиш, ўқиш ва географияни мукаммал ўзлаштириб олади. Аммо кутилмаганда отасининг бевақт ўлими ва инқилоб урушининг бошланиши мактабни тамомлашга имкон бермайди. Тўғрироғи, кичик Жексон ўқишдан кўра халқининг эркинлиги ва тинчлигини афзал кўради. Жанубий Каролина учун 1780 йилда бўлган жангда 13 ёшли Жексон ҳамда акаси Роберт асирга тушиб қолишади. Шунда инглиз ҳарбийларидан бири Эндрьюдан оёқ кийимларини тозалашни буюради. Жексон эса буйруқни бажаришдан бош тортиб, **«Мен асирман, аммо қул эмасман»**, дея мардонавор жавоб қайтаради.

Бундай жавобни кутмаган қўмондон «Ҳали сен асир бўла туриб, ўз ҳуқуқингни талаб қилишни ҳам биласанми?» деб жаҳл устида қиличини чиқариб, Эндрьюнинг чап қўли ва юзига оғир тан жароҳат етказиб, ака-укани бир умрлик қамоққа маҳкум этади. Камоқда акаси Роберт чечак касали билан вафот этади. Энг ачинарлиси, дом-даракси кетган икки ўғилнинг доғида, онаси Элизабет ҳам бу фоний дунёни тарк этади. Оқибатда энди бор-йўғи 14 ёшга тўлган Жексон қаровсиз қолиб, жуда қийналади. Ҳатто кўча-куйда юриб, тиланчилик ҳам қилишга мажбур бўлади. Яхшиямки, бахтига бобосидан мерос қолган озгина ер бор экан. У шу ерда деҳқончилик қилади.

Нью-Йоркда машҳур бой адвокат Спрус Мексей хонимнинг борлигини эшитиб, Эндрью кунларнинг бирида унинг ёнига "Мени шогирдликка олинг", деб илтимос қилиб боради. Жексоннинг ҳуқуқшунослик касбига ниҳоятда фидокорлик билан қизиққишини кўрган саховатпарвар Спрус хоним уни ўз қарамоғига олади ва тўрт йилча ўқитиб, Тенненси штати адвокати қилиб тайинлайди. Адвокат Жексон аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, ҳам обру-эътибор қозонади, ҳам яхшигина пул ишлаб олади. Энди, Эндрью Жексоннинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у яқин дўсти Жон Донелсоннинг бева қизи Речел Данелсон билан турмуш қуради. Шуниси қизиқки, Жексон ва Речел боласи йўқлиги боис қўшнисининг қизини фарзандликка олишади. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек, Жексоннинг ишлари анча юришиб кетади. Хусусан, у Тенненси штати конституциясини ишлаб чиқиш комиссиясининг аъзолиги ҳамда Тенненсининг Конгрессдаги биринчи депутати этиб сайланади.

Айрим манбаларда ушбу штатга «Тенненси» деб ном қўйиш айнан Жексоннинг таклифи экани тўғрисида ҳам фикрлар бор. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Америка президентларининг деярли аксарияти ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этиб, урушда кўрсатган жасорати ва фидойилиги эвазига халқ назарига тушиб, давлат раҳбари бўлишига муваффақ бўлишган. 1812 йилда Буюк Британия билан бўлган уруш ҳам Эндрью Жексоннинг сиёсатда зафар қучиши ва «Халқ қаҳрамони» дея эътироф этилишига сабабчи бўлди. Чунки ярим минг аскари билан ўзи асос солган Тенненси ва Орлсон аҳолисини асирликдан қутқазиб, «Ватан халоскори» деган улуғ ва шарафли номга сазовор бўлади. Бунинг натижасида у Флорида ҳарбийларига бошлиқ этиб тайинланади. 1824 йилда 54 ёшли Эндрью Жексон ҳарбий соҳадан бутунлай кетишга қарор қилиб, Сенатга ўз номзодини қўяди. Сайловда Жексон рақиби Жон Куинс Адамсни мағлуб этиб, сенаторликни қўлга киритади. Бироқ, орадан бир йил ўтгач, президентлик сайлови олдидан яхшироқ тайёргарлик кўриш мақсадида истеъфога чиқади. Истеъфодаги вақтда Жексон ўз сайловчилари билан учрашиб, уларга қарата «Миллий ғурур, миллий ифтихор, бизнинг энг катта маънавий бойлигимиз бўлиб қолмоғи даркор» дея тез-тез таъкидларди.

Ниҳоят, 1828 йилга сайлов янги йўлбошчини аниқлаб берди. Унга кўра, демократик партиянинг асосчиси, миллат қаҳрамони 61 ёшли Эндрью Жексон АҚШнинг еттинчи давлат раҳбари этиб сайланади. Шунда Жексон яна бир бор халқ олдида чиқиш қилиб, «Менга шундай катта ишонч билдирганингиз учун ташаккур. Ҳали ҳам президент бўлганимга ишонмаяпман» дея қувончини яшира олмайди. Бироқ бахт кетидан бахтсизлик ҳам ёнма-ён юради, деганларидек, ўша кунларда Жексоннинг ҳаётида кутилмаган бахтсизлик ҳам юз беради. Аниқроғи, Оқ уйнинг бўлажак бекаси Речел хоним тўсатдан вафот этади. Янаям аниқ қилиб айтадиган бўлсак, президент Жексоннинг сиёсий душманлари унга нисбатан бўлган адоватни хотинидан олишни маъқул кўришади.

Қасамёд маросимида Жексонни табриклаш учун минглаб кишилар ташриф буюришади. Ўша пайтда президент Жексон бахтли кунларни хотини кўролмаганидан жуда-жуда афсусда эди. Президентликнинг биринчи тўрт йиллигида Эндрю Жексон асосий эътиборни аҳолининг билими, маърифати, савияси ва маънавиятини оширишга қаратади. Шунинг билан бирга фермерлар ва ишчилар манфаатларини мустаҳкамлаш ҳақида қуйиниб, мамлакатда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенг йўлга қўяди. Шу боисдан мамлакатга Жексон раҳбарлик қилган йиллар «Америка халқининг ҳам маънавий, ҳам моддий юксалиш даври» деб аталади. Энг муҳими, Жексон даврида мамлакат банклари қайта ислоҳ қилинади. Президент Жексоннинг «Ҳамма ўзи учун курашсин» деган ғояси асосида фуқароларнинг ҳаётга, келажакка бўлган ишончи янада ортди.

1832 йилдаги президентлик сайловида Жексон иккинчи муддатга сайланади. Қайта сайланган президентнинг олдида кетма-кет, катта-кичик муаммолар пайдо бўла бошлайди, яъни айрим штатлар иттифоққа бўйсунмасдан, таркибидан чиқиб кетишга ҳаракат қилишади. Шунда президент Жексон «Мустақиллик ва эркинлик иттифоқсиз бўлмайди, иттифоқсизлик билан улар абадий эмас», деган жавобни беради.

Президентлик ваколатининг иккинчи муддатини ҳам муваффақиятли якунлагани, Жексон қолган умрини деҳқончилик ишлари билан ўтказиш ниятида Тенненсига кетади. Бу ерда даласига пахта, буғдой экиб ва мева-сабзавотлар етиштириб, ҳосилини бева-бечораларга улашади.

1845 йилнинг 8 июнида Эндрью Жексон сил касаллигидан вафот этади. Васиятига биноан уни Эрмитаж қабристонига, хотининнинг ёнига дафн этишади.

Ҳусан ТУРСУНОВ

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

Mitti maslahat

ҲУҚУҚБУЗАР

У қандай ушлаб келтирилади?

Ҳаётда гоҳ кўча-куй, гоҳо жамоат жойларида ҳуқуқбузар шахсларга рўпара келамиз. Албатта, қонунда бундай шахсларга нисбатан тегишли жазо белгиланган.

Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки ана шундай қилмиш содир этган кимсаларни ҳуқуқ-тартибот идораларига қандай олиб келиш ҳақида бормоқда. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги Кодекснинг 284-моддасида ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш тартиблари белгилаб қўйилган.

Хўш, ана шундай қилмишга қўл урган ҳуқуқбузар шахсни ушлаб келиш тартиби қандай? Мазкур модданинг 1-қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса, ҳуқуқбузар милиция ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томонидан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораси биносига ушлаб келтирилиши мумкин. Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш уни маъмурий ҳуқуқбузарлик қилинган жойдан милицияга, шаҳарга, қишлоқ, овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари биносига, ҳарбийлашган соқчиликнинг хизмат биносига кўчириш билан боғлиқ ҳуқуқий воситадир.

Ушлаб келтиришнинг умумий мақсади, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойда тузиш имкони бўлмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишдан иборат. Бундан ташқари, қонун бир неча ҳолларда бошқа мақсадга эришишни ҳуқуқбузарликнинг пайини қирқиш учун ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, унинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишни ҳам назарда тутади. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг айрим турларини амалга оширган шахсни ушлаб келтириш учун қонун томонидан кўшимча шартлар белгиланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган 284-модданинг 3-қисмига кўра, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи идораларнинг ходимлари, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, милиция ходимлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни милиция ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораси биносига ушлаб келтириши мумкин. Ҳуқуқбузарни табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 284-моддаси, 4-қисмига биноан, юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кодекснинг 284-моддаси ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдан ҳуқуқбузарни ушлаб келтириладиган бинонинг оралиғи турлича бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, ушлаб келтиришнинг охирги муддатини белгиламайди ва олиб келиш иложи борича қисқа муддатга амалга оширилиши лозимлиги ҳақида кўрсатма билан чекланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган модданинг талабига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораси биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

Хиёбон

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

«ТУШУНТИРИШ БЕРИШСА...»

Оқ-олтин туманидаги ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан ширкат хўжалигимиз ҳам тугатилди. Аввал экин ерини чек ва оилавий пудрат учун ижарага олиб ишлаётган барча кишилар энди фермер сифатида экин майдонларини бўлиб олишди. Бизнинг оиламизга ҳам ўзимиз ёзда қуриб ишлайдиган дала шийпони рўпарасида 48 гектардан зиёд экин майдони тегди. Хўжаликларни тугатиш комиссияси экин майдонлари учун «тендер» ўтказиб, адолатли иш қилди. Янги фермер хўжалиги ҳужжатларини тўғрилаб олишга ҳам ёрдам беришди.

Фермер хўжалигимиз ишини дарҳол тўғри йўлга қўйиш, зарур идоралар билан шартномалар тузиб олишга киришдик. Дастлаб пилладан яхши ҳосил олиб, режани бажардик. Экин майдонимизнинг 12 гектарига ғалла экилган эди. Уни яхши парвариш қилдик. Ўғит бердик, суғордик, ўтоқ қилдик. Натижа яхши бўлди. Шу жойдан 30 тонна буғдой топшириб, режани уддаладик, ўзимизга ҳам насибага яраша ортиб қолди. Энди бутун кучимизни 32 гектардаги экинни яхши парваришлашга қаратганмиз. Камида 77 тонна пахта топширсак, режани бажарамиз. Ниятимиз — мўл ҳосил йиғиштириб олиб, уни юқори сортларда топшириш. Акс ҳолда даромадга эга бўлолмай қолишимизни билиб турибмиз. Пахта ҳосили учун қолган бўнак пулини ёнилғи, ўғит, сув ва техника учун пешма-пеш ўтказиб турибмиз.

Албатта, ишимиз ана шундай бир текисда кетмоқда. Фермерлик ҳаракати ўзини тўла оқлаётганини фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз. Кези келганда айтишим керакки, фаолиятимизда баъзи бир муаммоларга ҳам рўпара келмоқдамиз. Мисол учун айтадиган бўлсам, ширкат хўжаликлари тугатилган пайтда унинг бутун қарзини янги фермерлар ҳисобига бўлиб беришди. Ери катта-кичиклигига қараб, бировга 13 миллион, бировга 11 миллион сўм қарз юкланди. Фермер хўжалигимизга ҳам 8 миллион сўмдан ортиқроқ қарз ёзилди. Дастлабки одимдаёқ оёғингга қарз ёпишиб турганини ҳис этиб юриш ноқулай бўлса-да, бунинг боисини тушунишга ҳаракат қилдик. Чунки ушбу қарзлардан қаердан, нима келиб чиқканини ҳеч ким бизга тушунтирмади. Ўзимизча, бу собиқ ширкатнинг шудгор, ўғит, сув, уруғлик, турли хизмат ва солиқ қарзлари бўлса керак, деб ўйладик. Барибир қарз маблағи миқдори кўпдай туюлди. Чунки ундан бир-икки йилда қутулиб етишни иложи йўқдек кўринади.

Буни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Аниқроғи, 800000 минг сўмдан зиёд буғдой пулини пилла уруғнинг ҳақи эди, дея "Саъдулла ўғли Одил" фермер хўжалигимиз ҳисобидан қайтариб олинди. Яқинда "Ғаллабанк" даги ҳисобимизга ғалла ҳақининг 996000 сўми келиб тушибди. Бунга ҳам ҳали эга чиқиб қолиши тайин.

Ҳисоблаб кўрсак, бу йилги ғалла, пахта ва пилла ҳақининг ҳаммасини тўласак ҳам қарздан қутула олмас эканмиз. Фермернинг иши юришиб турса, икки йил фақат қарз учун ишлаши керак. Тумандаги хўжаликларни тугатиш комиссияси бу ҳақда тушунтириш беришни нега истамайди? Ҳаммаси ошкора бўлса, бу уларга ҳам, фермерларга ҳам яхши эмасми?

Бу кўпчиликка дахлдор муаммо бўлгани учун туман ёки вилоятдаги мутасадди шахслар газета орқали тушунтириш беришса, яхши бўларди.

Саъдулла МАМАТОВ,
Оқ-олтин туманидаги "Саъдулла ўғли Одил" фермер хўжалиги раҳбари

Gazetxon xat yo`llabdi

ТРАКТОР КИМНИКИ?..

1992 йил февраль ойида "Навбаҳор" давлат хўжалигидан "МТЗ-80" русумли трактор сотиб олдим. Уни қайта таъмирлагач, оилавий аҳволи оғир бўлган жияним Ўткир Шарифуллаевга вақтинчалик фойдаланиб туриш учун бердим. 2000 йил январда фермер хўжалиги ташкил этиб, ўзимга ҳам улов зарурати туғилгани сабабли жиянимдан тракторимни қайтариб беришни сўрадим. Аммо у транспортимни қайтаришни рад этди. Шундан сўнг Пахтакор тумани судига мурожаат этиб, суднинг қарори асосида уловимни олдим. Бироқ орадан саккиз ой ўтгач, жияним тракторни ўзига олиш ҳақида судга ариза берди. Шунда ДАН ходимлари тракторни хатлаб кўйишди.

Кунлардан бир куни суд менинг иштирокимсиз тракторни жиянимга бериш тўғрисида қарор чиқарганини эшитиб қолдим.

Бундан таажжубланиб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига мурожаат этдим. Суд ишни кўриб чиқиб, трактор Ўткир Шарифуллаевнинг ҳисобида беш йилдан ортиқ тургани учун унга тегишли дея қарор чиқарди. Қизиғи шундаки, суддагилар ушбу қарорни менга беришмаяпти.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш ва тракторнинг кимники эканини аниқлашга ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Бобо РИВОЧЕВ,
"Ривоч" фермер хўжалиги раҳбари

Jinoyat va jazo

ЭГРИ ЙЎЛНИНГ БАҲОСИ

Ҳар қандай фаолият қонун асосида амалга оширилиши лозим. Бироқ айрим ишбилармон ва тадбиркорлар ноқонуний равишда даромад қилишни кўзлашади. Нурободлик тадбиркорлар Баҳриддин Абдиев ҳамда Бурҳон Ражабовлар ана шундай инсонлар сирасига киради. Улар ўз савдо дўконларида акциз маркасисиз сигарет маҳсулотларини сотишни йўлга қўйишган. Суднинг ҳукми билан улар ҳисобидаги кўп миқдордаги тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан 30928,7 минг сўмлик ноқонуний пул айланмалари аниқланган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан суднинг қарори билан 1633,2 минг сўм жарима қўлланилди. Шунингдек, савдо-сотиқни тартибга солиш, нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида барча савдо дўконларида назорат касса машиналари ўрнатилиб, уларнинг тўғри ишлатилиши бўлим ходимлари томонидан қатъий назоратга олинган. Яқинда Нуробод шаҳарчасида жойлашган "Олмос" хусусий тижорат дўконида текшириш ўтказилганда дўкон сотувчиси Шакарой Набиева 15756 минг сўмлик кунлик савдо пулларини назорат касса машинасидан ўтказмагани маълум бўлди. "Охун юлдуз" хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси Дилфуза Турдиқулова ҳам 2370 минг сўм кунлик савдосини назорат касса машинасидан ўтказмай банкка топширган. Ҳозирда уларга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтсак, қонун талабларини менсимаслик ҳеч кимга фойда келтирмайди. Қонун талаби ҳамма учун баробар ва уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу маънода баён этилган воқеа бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтайди.

Акмал САФАРОВ,
ҳуқуқшунос

Jaholat botqog`i

"ИСНОД ҲАРАМИ"НИНГ БЕКАСИ

Ҳаёт кечириш учун инсонлар турли йўлларни танлашади. Айримлар эса ҳаром йўл билан умргузаронлик қилишни ихтиёр этишади. Навоий шаҳрида яшовчи Наталья Никитина эса аёллик номусини сотиб бойлик тўпламоқчи бўлди. У 2001 йили сайёҳлик йўлланмаси билан араб давлатларининг бирига бориб, ўз танини сотиш эвазига мўмай ҳаром даромадли бўлди. Шундан сўнг унинг нафси янада ҳакалак отди. У энди қўшмачилик билан пул ишлашни ният қилди.

Шу мақсадида Наталья дастлаб ижарага уй топди. Кейин эса уйига келиб-кетувчи аёлларнинг кўнглига "қармоқ" ташлади. 2001 йилнинг ноябр ойида унинг "қармоғи"га Л. исмли қиз "илинди". Унга "Ника" фирмаси орқали виза ҳужжатлаштириб, "Тошкент-Истамбул"-"Истамбул-Дубай" авиарейси бўйича чипта ҳам тақдим этди. Қиз манзилга етиб боргач, у ерда ноқонуний "ҳарам" очди. Л. га 4 минг АҚШ доллари миқдорида пул ишлаб топиш мажбуриятини юклади.

Л. ҳам тез орада бу пулни "бека"си қўлига тутқазди. Шу тариқа мўмайгина пулга эга бўлган Наталья 2002 йилнинг август ойида яна Навоийга қайтиб келди ва ўз фаолиятини янада жонлантирди. У Ж. исмли жувон ва Р. исмли қизни хорижда ишлашга кўндириб, ҳужжатларини тайёрлашга киришди. Тез орада уларнинг қўлларига ҳам "Тошкент-Москва"-"Москва-Дубай" авиачипталари тутқазилди. Улар ҳам "ҳарам" "канизак"лигига қабул қилинишди. Лекин улар паспортлари эвазига "бека"га 7 минг АҚШ доллари тўлаши лозим эди.

Очиғи, Р. анча "уддабурон" чиқди. У бўйнидаги қарзни тўлаш баробарида ўзи ҳам қўшимча фойда ишлаб топди. Бироқ Ж. ички ликка ружу қўйиб, ҳамма нарсани унутди. У 6 ойда "бека"га аранг 100 доллар қарзини тўлай олди, холос. Шундай бўлса-да, Наталья Ж.нинг паспортини шерикларига қолдириб, яна Навоийга янги мижоз топиб келиш учун йўл олди. Бироқ худди шу пайтда Ж. полиция қўлига тушиб қолди. Шу боис беканинг қилмишлари фош бўлди. Натижада "бека"нинг ҳаром фаолиятига якун ясалди. Яқинда Навоий вилоят жиноят ишлари бўйича суд ҳайъатининг ёпиқ суд мажлисида аёлларни алдов ва ёллаш йўли билан фоҳишалик фаолиятига ноқонуний жалб этган Наталья Никитинанинг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд ҳайъати жараён давомида келтирилган далил-ашё ва гувоҳларнинг кўрсатмаси асосида Н.Никитинани 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шу тариқа "иснод ҳарами" фаолияти тўхтатилди. Бу эса хорижга бориб мўмай пул топишни кўзлаган айримлар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Даврон ТОШПЎЛАТОВ,
ҳуқуқшунос
Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани адвокатлар ҳайъати адвокат

Саидакбар МАМАРАСУЛОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Газетанинг кейинги сони 9 сентябр, сешанба куни чиқади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-719. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50